

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА  
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚТИШ МАРКАЗИ**

## **ҲУҚУҚШУНОСЛИК**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

## **БИЗНЕС ҲУҚУҚИ**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2019**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

Б.Норматов – ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси  
ўқитувчиси

**Такризчи:**

Д.Караходжаева – ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси  
профессори, юридик фанлар  
доктори

## МУНДАРИЖА:

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>21</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>115</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>121</b>
<b>VI.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>133</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>138</b>

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **КИРИШ**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг илғор таълим технологиялари ва таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда меҳнат қонунчилиги соҳасидаги сиёсат ва унинг асосий йўналишлари, меҳнатга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллашатириш масалалари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини бизнес ҳуқуқининг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳасининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш. Шунингдек, бизнес ҳуқуқининг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш, бизнес ҳуқуқи институтларини танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш, мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда бизнес муносабатларига оид қонунларни амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Бизнес ҳуқуқи” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

-бизнес қонунчилигига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

-бизнес қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини яратиш, уларни экспертиза қилиш, ҳуқуқий усул ва воситаларини;

- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

-бизнес ҳуқуқининг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-бизнес қонунчилиги истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

-бизнес ҳуқуқига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллай олиш;

-бизнес ҳуқуқи фанини ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

-ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари лойиҳалари, юридик ҳулосалар) тайёрлай олиш;

-ҳуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ фойдаланиш;

-ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

-ҳуқуқий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

-республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

-ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича ҳуқуқий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

-ҳуқуқий соҳага оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш;

-қабул қилинган қонунларни шархлаш ва таҳлилий маълумотнома ёзиш;

-маълумотлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва саралаш;

-ҳуқуқий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш;

-мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишда видео маърузаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

-бизнес қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;

-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллаш олиш;

-бизнес қонунчилигига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

-бизнес қонунчилигига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш;

-бизнес қонунчилигига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

-бизнес ҳуқуқи, шунингдек юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

-ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

-суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

-ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- махсус фанларини ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Бизнес ҳуқуқи” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда кўчма машғулотлар тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан**

#### **боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Маъмурий ҳуқуқ ва процесс”, “Меҳнат ҳуқуқи асослари” ва “Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашув” каби бир қатор ҳуқуқий йўналишдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

#### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

<b>№</b>	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Жами</b>	<b>Тингловчининг ўқув юклараси, соат</b>		
			<b>Аудитория ўқув юклараси</b>		
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кўчма машғулот</b>



1.	Бизнес ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида	2	2		
2.	Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби	2		2	
3.	Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар	2		2	
4.	Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши	2			2
5.	Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари	2		2	
6.	Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш	2		2	
7.	Тадбиркорлик субъектлар фаолияти устидан давлат назорати. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш	2			2
	<b>Жами</b>	<b>14</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Бизнес ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси**

Тадбиркорлик ва Бизнес ҳуқуқи тушунчаси. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси. Бизнес ҳуқуқининг предмети ва принциплари. Бизнес ҳуқуқининг манбалари. Бизнес ҳуқуқий муносабатлар. Бизнес ҳуқуқий муносабатлар мазмуни ва иштирокчилари.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **2-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг**

## **турлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби**

Шахснинг иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи тушунчаси. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва моҳияти. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ва унинг белгилари. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари таснифи. Тадбиркорлик фаолияти турлари.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими. Юридик шахс тушунчаси. Якка тартибдаги тадбиркор тушунчаси. Тижоратчи ташкилотлар. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар. Оилавий тадбиркорлик. Оилавий корхона. Акциядорлик жамиятлари. Масъулияти чекланган жамият. Қўшимча масъулиятли жамият. Хўжалик ширкатлари. Унитар корхона. Хусусий корхона. Фермер хўжалиги. Деҳқон хўжалиги. Ишлаб чиқариш кооперативи.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тушунчаси ва усуллари. Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш. Тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш ва унинг турлари. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш усуллари ва тартиби.

### **3-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар**

Шартнома тушунчаси. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар турлари. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларга оид умумий қоидалар. Тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш асослари. Мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномалар. Мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ шартномалар. Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ шартномалар. Шартнома бўйича тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Шартнома бўйича жавобгарлик.

### **5-мавзу. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари**

Молиялаш тушунчаси. Кредитлаш тушунчаси. Кредитлаш турлари. Тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари. Банклар ва кредит ташкилотлари кредит муносабатлари иштирокчиси сифатида. Кредит мажбуриятларини таъминлаш усуллари. Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш асоси сифатида кредит шартномаси. Кичик

бизнес субъектларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Кредитга оид муносабатларда жавобгарлик масалалари.

### **6-мавзу. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушунчаси ва моҳияти. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг умумий асослари ва тартиби. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган бошқа мажбурий тўловлар. Тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларини қўллаш.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини лицензиялаш ва уларнинг божхона органлари билан ўзаро муносабатлари.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тартиби, усуллари ва шакллари бўйича солиқ органлари билан ўзаро муносабатлар.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари тушунчаси. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг зарурати. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш механизмлари. Тадбиркорлик субъектларининг бузилан ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш механизмлари масалалари кўчма машғулотнинг мазмунини ташкил этади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Ўқитишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

-дидактик ва ролли ўйинлар, давра суҳбатлари (таклиф қилинган шартларга асосан ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш, эшитиш ва мантиқий ҳулоса қилиш қобилиятини шакллантиради);

-кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборот ни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);

-баҳс-мунозара (аргумент ва далиллар келтириш қобилиятини шакллантиради);

-кластер, синквейн (ахборот ёки бирон-бир тушунчани қисқа баёнини тузиш кўникмани шакллантиради);

-кичик гуруҳларда ишлаш, бумеранг (материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этишни ривожлантиради);

-блиц ўйин, қора қути (аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини йўл-йўлакай аниқлашга йўналтирилади);

-резюме методи (тингловчиларни бирор мавзунинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарларини белгилашни ўргатади).

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар:**

1. Тадбиркорлик (бизне) ҳуқуқи. Дасрлик. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. Х.Азизов. -Т.:ТДЮУ, 2018. -296 б.

2. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида - Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

3. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.

4. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хаитбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.

### **Хорижий адабиётлар:**

1. Хозяйственное предпринимательское право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.

2. Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Окюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 206 с.

3. Riches S, Allen V. Keenan and Riches’ business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 760 p

4. Essential Contract Law, Cavendish Essential series, Geoff Monahan, Second edition, London. 2001. P.254.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 406-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

1996 й., 2-сонга илова.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги // Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

#### **Электрон таълим ресурслари:**

1. [http:// www.businesspravo.ru](http://www.businesspravo.ru)
2. [http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [http:// www.law.uk.edu](http://www.law.uk.edu)
4. [http:// www.legislature.ru](http://www.legislature.ru)
5. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. [http:// www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
7. [http:// businesslaw.calbar.ca.gov](http://businesslaw.calbar.ca.gov)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

А нинг онасининг ҳаракатлари тўғрими? А шартнома тузишда мустақил ҳаракат қила оладими? Бу ҳолат бўйича қандай жавобгарлик қўлланилишини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

<b>Ф</b>	• фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
<b>У</b>	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**1. Акциядорлик жамияти йирик ишбилармонлик лойиҳалари учун жуда мақбул шакл ҳисобланади”.**

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;



- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Битим (Transaction)</i>	Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларир.	.
<i>Корпоратив мулк (Corporate ownership)</i>	Корпоратив хусусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк. Корпоратив мулк дивиденд келтирувчи мулкдир.	
<i>Директор (CEO)</i>	Ижро органига раҳбарлик қилади. Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.	
<i>Мустақил директор (Independent director)</i>	Жамият билан иқтисодий манфаатлар билан боғланмаган кузатув кенгаши аъзоси.	
<i>Олтин акция (Golden share)</i>	қийматга эга бўлмайдиган, бошқа шахсга ўтказилмайдиган, гаровга берилмайдиган, устав фонд миқдорини белгилашда дивидендларни ҳисоблашда инobatга олинмайдиган акция. У давлатнинг махсус ҳуқуқи ҳисобланади.	
<i>Кузатув кенгаши (Board of directors)</i>	Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи акциядорлар томонидан сайланадиган корпоратив бошқарув органи.	

## **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ❖ тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- ❖ тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништирилади;
- ❖ ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатилади;
- ❖ ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилади;
- ❖ мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;

**Намуна:**

<b>Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари</b>					
<b>Хусусий корхона</b>		<b>МЧЖ</b>		<b>АЖ</b>	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:**

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. Бизнес ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида

##### Режа:

1. Бозор ва тадбиркорлик.
2. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предмети ва принциплари.
3. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг манбалари.

**Таянч иборалар:** бизнес, тадбиркорлик, бозор, бозор муносабатлари, иқтисодиёт, “ўзбек модели”, хусусий тадбиркорлик, тадбиркорлик субъектлари.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилиши, унинг қонуниятларининг жамият ҳаётига кенг қўлланилиши республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига замин яратди. Бунда иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида бизнес (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари муҳим ўринга эга. Улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, бизнес юритиш асослари барча шахслар, жумладан хорижий бизнесменлар учун бир хил қилиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлигини кўрсатди. Бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик субъектларининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Жумладан: Бизнес (тадбиркорлик) – бу нима?

#### Бозор ва тадбиркорлик

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини тараққий этишининг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Бозор ва тадбиркорлик ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Бозор (инглизча – маркет, русча – рынок) – товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи

ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Демак, бозорда тадбиркорлик субъектлари ўртасида мустақил равишда қарорлар қабул қилишдаги эркин муносабатлар амалга оширилади. Бозор тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришлари учун кенг шарт-шароитлар яратиб, эркин рақобат муҳитининг, экспорт ва импорт имкониятларининг бозор қонуниятлари асосида амалга оширилишини таъминлайди. Хўш, “тадбиркор”, “тадбиркорлик” тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади? Бу тушунчаларни биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантлон қўллаган. Унинг фикрича, тадбиркор – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбайи деб билган. Кейинчалик XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767–1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди. Тадбиркорлик (инглизча – энтерприсе, энтерприсинг, русча – предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолиятидир. Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир-бирини тўлдиради. “Бизнес” – сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик соҳасида бизнес фойда берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар бизнесмен сифатида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилади. Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънони билдиради. Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишининг навбатдаги энг муҳим йўналишидир.

Бозор муносабатларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар бир қатор қонунларида, жумладан, Фуқаролик кодекси, Солик кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон

хўжалиги тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Ушбу ҳуқуқий муносабатларни Тадбиркорлик ҳуқуқи модул фани ўрганади, у бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнида муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.


### **Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предмети ва принциплари**

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини Тадбиркорлик ҳуқуқи фани ўрганади. Мисол учун, фуқаро бир ўзи таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, болалар ички кийимлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан кредит олиб, чет элдан тикиш ускуналарини хорижий валютада харид қилди ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Демак, тадбиркорлик ҳуқуқи ўзига хос муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасими? Унда, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби биринчидан, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси; иккинчидан, қонунчилик тармоғи; учинчидан, фан соҳаси; тўртинчидан, ўқув предмети ҳисобланади. Тадбиркорлик ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат. Мисол тариқасида, “Иқтисодий фаолият” термини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида, шунингдек “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида қўлланилган.

Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предметини тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фарқланади. Аввало, фуқаролик ҳуқуқи фани мулкӣ муносабатларни ҳамда мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал, бозор шароитида давлатнинг иқтисодга

раҳбарлик қилиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга солса, меҳнат ҳуқуқи эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ички тартиб қоидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солади. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети маъмуриятнинг буйруқ ҳамда ижро фаолияти билан, яъни ҳокимият ва итоат этиш, бир-бирига бўйсунуш соҳасидаги фаолият билан боғлиқ муносабатдир. Бундай муносабат итоат этувчи қуйи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари орқали таъсир этиш, бошқариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик муносабатларида эса маъмурий бўйсунуш фаолиятлари кам учрайди. Мисол учун, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлатнинг умумий раҳбарлиги, яъни давлат назорати, солиқлар билан таъсир этиш, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар.

Молия ҳуқуқининг предмети молия бюджети кирим-чиқими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан боғлиқ муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбайини тартибга солиш ва улардан қайта ишлаб чиқариш муомаласида фойдаланиш кабилар бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг предмети ташкил этади. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг асосий принциплари Барча ҳуқуқ соҳалари каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган асосий қоидалардир. Ушбу тадбиркорлик ҳуқуқига оид асосий принциплар республикамизда бозор муносабатларининг ривожланишида барча тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.



Tadbirkorlik huquqining asosiy prinsiplaridan biri tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy faoliyat erkinligidir. Ushbu prinsip: Biznes (tadbirkorlik) subyektlarining iqtisodiy manfaatlarini himoya qilish prinsipi. Bu prinsipning mohiyati har bir moddiy tovar ishlab chikaruvchi, ishlarini bajaruvchi ёки хизмат кўрсатувчи tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy manfaati qonunlarda belgilangan tartibda tegishli organlar orqali himoya qilinadi.

Tadbirkorlik munosabatlariga iqtisodiy uslublarni qullash asosida davlatning ta'sir etish prinsipi.

Ushbu prinsip mamlakatimizning iqtisodiy rivojlaniшига директива, buyruq orqali ta'sir etish usulining iqtisodiy usuliga, яъни mehnat jamoasining, yakka шахsning tovar ishlab chikarish, ish va хизмат кўрсатиш, uning assortimentini kengaytiriш va sifatini оширишда manfaatlarini hisobga olishga qaratilgani bilan izoxlanadi. Respublikamizning mustaqil taraqqiётini belgilovchi asosiy prinsiplaridan biri narxlarni erkinlashtirish va bozor infrastrukturasi shakllantirishdir. Bu, eng avvalo, bozorni tovarlar



ва хизматлар билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг асосий принципларидан яна бири товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг ўзаро рақобатидир. Бу принципнинг асосий мазмун ва моҳияти шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида ким кам меҳнат ва харажат сарф қилиб, кўп ва юқори сифатли маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чиқара олса, у ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётда имтиёзга эга бўла олади. Қонунийлик принципи барча фанларга доир бўлган умумий принцип бўлса ҳам, тадбиркорлик ҳуқуқида у бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу принцип мазмунида тадбиркорлик субъектларининг қонун ман этмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкинлиги қонунда ётади.

### **Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг манбалари**

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилади. Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тартибини белгиловчи асосий қонун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи қонуности ҳужжатлари.

Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқининг манбалари: ЎзР Конституцияси, қонунлари, ЎзР Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари. ЎзР Олий Суди пленуми қарорлари. Тадбиркорлик қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ва кодификатсиялаштириш масалалари ҳақида фикрлар.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тизимининг манбаи ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлардир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бизнес фаолиятини олиб боришнинг кафолати сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан: Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан бир қаторда давлат ҳимоясида бўлиши, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот

дунёси ва бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик бўлиши каби нормалар Конституциянинг 53–55-моддаларида белгиланган. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқи манбаларининг турларидан бири қонунлардир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муҳим аҳамиятга эга. У мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, мулк ижараси, лизинг, пудрат, қурилиш пудрати, ташиш, кредит, ҳисоб-китоб ва шунга ўхшаш тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган шартномаларга оид қоидаларни ўзида бирлаштириб, бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига манба ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолият олиб боришига хизмат қилувчи ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган. Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган. Бизнес (тадбиркорлик) фаолиятида инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқи манбаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларидир. Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуқининг бозор муносабатлари ривожланишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни фармонлар, қарорлар ва фармойишлар муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва

ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4848-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ–5037-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2750-сонли қарорини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, яъни 2014-йил 6-октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон, 2017 йил 21 июндаги “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибинини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 405-сон қарорлари ҳисобланади. Шунингдек, вазирликлар ва давлат қўмиталари, агентликларнинг ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон қарори билан тасдиқланган “Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида”ги Низом (2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125) ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи манбаси сифатида кўрилади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудуди доирасида кучда бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик қонунчилигига қўйидагича

таъриф бериш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ўзига хос ўринга эга. Улар тадбиркорлик ҳуқуқи учун манба бўлмаса-да, қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларини иқтисодий судлари томонидан тўғри қўллашда, хўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда судларга тушунтиришлар бериб, муҳим амалий аҳамият касб этади. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқий муносабатлари тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ субъектлар ўртасида вужудга келадиган, яъни тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, уни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, уни бошқариш, фаолият олиб бориши, шартномалар тузиш, уларни ижро этиш, мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик каби муносабатларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш зарурати вужудга келади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти фақат товар ишлаб чиқаришга оид муносабат эмас, балки ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ер участкаси олиш, бино олиш ёки қуриш, ёқилғи, хомашё, асбоб-ускуналарга эга бўлиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олади. Улар тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар бўлиб, бевосита даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа мақсадлар билан ҳам боғлиқ. Жумладан, мулкни бошқариш, корхонани тузиш ва тугатиш бўйича ташкилий-мулкий муносабатлар билан алоқадор барча фаолиятлардир. Бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бориши, янги-янги мулкдорлар гуруҳини, тадбиркорларни келтириб чиқарадиган бу гуруҳлар тадбиркорлик муносабатларининг мустақил субъекти, ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб иштирок этади. Улар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг аксарияти тадбиркорлик қонунчилиги билан тартибга солинади. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар доираси, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан бирга, борган сари кенгайиб боради. Хусусан, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, банклар, биржалар ва шунга ўхшаш бошқа субъектлар ўзига хос махсус фаолият кўрсатади. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқий муносабатларининг турлари тадбиркорлик муносабатларининг асосий қисмини тадбиркорлик субъектларининг ўзаро вертикал ва горизонтал муносабатлари ташкил этади. Тадбиркорлик ҳуқуқи фанида тадбиркорлик муносабатлари асосан уч гуруҳга ажратилади. Бизнес (тадбиркорлик) муносабатларининг биринчи гуруҳи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат

кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидир. Бизнес (тадбиркорлик) муносабатларининг иккинчи гуруҳи тадбиркорлик субъектларининг бошқа субъектлар, давлат органлари ўртасида, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқаришдан келиб чиқади. Бизнес (тадбиркорлик) муносабатларининг ички муносабатлари эса ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасидаги ички муносабатлари шаклида намоён бўлади. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар элементлари шу муносабат субъектлари, объектлари ва унинг мазмунидан иборат бўлади. Тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. Бизнес (тадбиркорлик) субъектлари кимлардан иборат бўлиши мумкин? Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиш учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. ФКнинг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгазилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши учун тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинishi учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак. Бизнес (тадбиркорлик) ҳуқуқий муносабатларини туркумлианиши:

- мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (мулкий муносабатлар);
- мутлақ-нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (тадбиркорлик юритиш, оператив бошқариш);
- ўз тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ ҳуқуқий муносабатлар;
- номулкий-мутлақ тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари;
- мажбурият тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорлик фаолиятининг бошқа фаолият турларидан фарқли жиҳатларининг ҳуқуқий асосларини тушунтиринг.
2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий манбалар ёки Олий Суд Пленуми қарорлари қўлланилишини тушунтиринг.
3. Даъвогар Чилонзор туманидаги “Дехқон бозори” МЧЖ Тошкент вилояти Иқтисодий судига жавобгар фуқаро А.Турдиевга нисбатан бозор

инфратузилмасидан фойдаланганлик учун 37.614.827 сўм тўлов ва 132.888.920 сўм ижара ҳақини ундириш тўғрисида даъво ариза киритган. Иқтисодий суд судьяси даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб, даъво ариза Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 149-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда берилган ва судловлиги бўйича Иқтисодий судга тегишли ҳисоблаб, ишни кўриб чиқишга тайинлаган. Лекин суд мажлисида фуқаро А.Турдиев тадбиркор эмаслигини, унга билдирилган даъво асоссиз эканлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаётганлигига бир йилдан ошганлигини маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4. Даъвогар “Оригинал Бузизнес” МЧЖ Тошкент шаҳар Иқтисодий судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “КЛАССИК СЕРВИС” МЧЖдан шартнома шартларини бажармаганлиги сабабли 110.255.456 сўм асосий қарз, 50.110.255 сўм пеня ундириб беришни сўраган. Даъвогар даъво аризаси билан бирга судга илтимоснома киритиб, даъво азизасини олдиндан давлат божи тўловисиз қабул қилишни, уни кейинроқ тўлаб беришни билдирган. Иқтисодий суд судьяси, иш ҳужжатлари ва илтимоснома билан танишиб, даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқарган. Даъво аризасини қайтаришда Иқтисодий-процессуал Кодексининг 155-моддаси, Солик кодексининг 330-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 533-қарорига асосланган. Юқоридаги ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

## **2-мавзу: Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби**

### **Режа:**

- 1.Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг турлари, ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.
2. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш.
- 3.Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларини тугатиш ва унинг усуллари.
- 4.Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби.

**Таянч иборалар:** Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари, ҳуқуқ субъекти, фуқаролик ҳуқуқи субъекти, ҳуқуқий категория, тадбиркорлик ҳуқуқи, шахслар.

## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг турлари, ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тушунчаси ва мақомини аниқлаш учун авваламбор “ҳуқуқ субъекти” ва “фуқаролик ҳуқуқи субъекти” тушунчаларининг моҳиятини чуқур англаб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқ субъекти кенг ҳуқуқий категория ҳисобланиб, унинг таркибига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ўз субъектлари (давлат ҳуқуқида – сайловчилар ва сайланувчилар, меҳнат ҳуқуқида – иш берувчи ва ходим, молия ҳуқуқида солиқ тўловчи ва солиқ органи ҳамда бошқалар) бўлганидек, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам ўз субъектлари бор.

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари** – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир.

Фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ягона “шахслар” деган умумий ном билан ифодаланади. “Шахслар” ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: **биринчиси**, фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар; **иккинчиси**, юридик шахслар бўлиб, улар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилотлар) ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (қўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин; **учинчиси**, давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий ҳудудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин. Жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланиши мумкин. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик

муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шахснинг фойда кўриш мақсадида, таваккал қилиб товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиш ихтисослашган фаолиятга айланган тақдирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фуқаро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (вакти-вақти билан) фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай амалга оширган тақдирда, масалан, ўзидаги ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бошқа ашёларни сотиши, ёки ишларни бажариб бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳақ олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайди, чунки бу каби муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасаларига фоиз олиш мақсадида жамғарма қўйган фуқаролар, қимматли қоғозлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

*Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектига қуйидагича тушунча бериш мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қила оладиган (юримдик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда юримдик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган давлат ва унинг ваколатли идоралари ҳисобланади.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни **тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларининг ўзига хос белгилари** ҳисобланади:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- муайян фаолият турлари билан шуғулланишлари учун албатта рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлиги;
- ўз молмулкига эга бўлишлиги;
- тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишлиги;
- ўз мол-мулки доирасида мустақил жавобгарлиги;
- ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг **мулкчилик шаклига** (масалан, фуқароларнинг хусусий мулки, жамоа мулки ёки давлат



мулкига асосланган), **ваколатларига** (яъни бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ёки бошқарувни амалга оширувчи субъектлар каби), **шахсларга** (жисмоний шахслар ва юридик шахслар) ҳамда **фаолият турига** (тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар) қараб белгиланади.

***Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишидир.***

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юридик шахслар: **тижоратчи ташкилот** (хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва **тижоратчи бўлмаган ташкилот** (жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса) турларига бўлинади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни кўйидаги асосий мезонларга қараб таснифлаш мумкин:

- қўшган улушига қараб (маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти);
- тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қараб (тўлиқ ва коммандит иштирокчилик);
- ўз меҳнати билан шахсан иштирок этишига кўра (ишлаб чиқариш кооперативи, деҳқон хўжалиги);
- бошқарувда иштирок этишига кўра (хусусий корхона, фермер хўжаликлари).
- 

**Акциядорлик жамияти-** устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда кенг тарқалган тадбиркорлик субъектларидан бири маъсулияти чекланган жамият ташкилий ҳуқуқий шаклда юридик шахслардир.

Маъсулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

**Маъсулияти чекланган жамият** – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга

**Унитар корхона** ўзига бириктириб қўйилган молмулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 70-модда*).

### **Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш**

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиш учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. ФКнинг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши учун тегишли тартибда давлат рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинishi учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Англияда тадбиркорлик субъектлари фаолияти тижорат ва саноатни ўз ичига қамраб олувчи уч асосий турга бўлинади.

1. Якка тартибдаги тадбиркор.
2. Шерикчилик
3. Компания.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақоми белгиланиб, бу юридик факт ҳуқуқий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза тақдим этиб, унда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги асосий маълумотларни, чунончи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом (устав) жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом (устав) жамғармасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми, шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

## Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларини тугатиш ва унинг усуллари

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши даврида турли мулк шакллариининг мавжудлиги хўжалик юритишнинг ҳамхар хил кўринишларини вужудга келтириб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг самарасиз фаолият юритиши давлат ва жамият манфаатларига сезиларли зарар келтиради. Ҳар қандай давлат ва жамият ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг яхши ишлаши тарафдоридир.

Тўғри, бундай ҳолат албатта ачинарли, лекин ундан қутилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, юридик шахсни тугатиш масаласи ҳақиқатдан долзарб мавзу бўлиб бормоқда. Ушбу вазиятга мамлакатимизда тўғри баҳо берилиб, қонунда белгиланган тартиб асосида ҳал қилиш учун махсус қонун меъёрлари ва чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари юридик шахсларни тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишини тўлиқ мужассамлаштирган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлса, шу сингари мустақилликка эришганимиздан буён қабул қилинган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи қонунларда эса юридик шахсни тугатишда мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ҳуқуқ нормалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни икки хил усулда тугатилишини кўришимиз мумкин.

*Биринчиси ихтиёрий усул бўлиб, у қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:*

- муассислар (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ;
- юридик шахснинг фаолият юритиш муддатининг тугаши билан;
- уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;

- юридик шахсни ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

- муассислар (иштирокчилар) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиши билан.

*Иккинчиси-мажбурий усулда суд қарори бўйича қуйидагиларга кўра тугатиш амалга оширилади:*

- фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш;

- қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш ҳолатларида;

- Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Бозор муносабатлари мамлакат иқтисодиётига қанчалик чуқурроқ кириб келиши ўз фаолиятини самарасиз олиб бораётган юридик шахсларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли 6 ой мобайнида (савдо воситачилик корхонаси эса - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилмаган, (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда ҳам унинг тугатилишига олиб келиши ҳақидаги норма Фуқаролик кодексида мустаҳкамлаб қўйилди.

### **Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби**

“Юридик шахсни тугатиш – мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи иш” ҳисобланади. Шунинг учун юридик шахсни тугатиш жараёни бир неча босқични ўз ичига олади.

*Хўш, савол тугилади. Юридик шахс ким томонидан ва қандай ҳужжатлар асосида тугатилади?*

Юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига биноан тугатилиши мумкин. Одатда муассислар ҳам иштирокчилар ҳам ўз ихтиёрлари билан ҳар қандай вақтда тугатиш

тўғрисидаги қарорни қабул қилишлари мумкин. Бу уларга берилган ҳуқуқдир. Лекин шу билан биргаликда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш улар учун мажбуриятни ҳам келтириб чиқаради. Суд тартибида тугатиш икки асосда умумий ва махсус асосларда амалга оширилиши назарда тутилади. Умумий асос барча турдаги юридик шахсларга, махсус асос эса алоҳида турдаги юридик шахслар учун тааллуқлидир. Умумий асосларга кўра ўз фаолиятини рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошираётган ёки қонун томонидан таъқиқланган фаолият билан шуғулланаётган юридик шахсларга нисбатан суднинг қарорига мувофиқ қўлланилади.

Махсус асосга кўра тугатиладиган алоҳида турдаги юридик шахслар қаторига ўз ҳуқуқий мақомини олиб, махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари киради. Одатда, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳуқуқий мақомини ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

*Масалан*, фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини уставда назарда тутилган миқдорда шакллантирмаганида, шу жумладан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича очиқ танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари устав фондига киритилмаганида; ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида; фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида; фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса; давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контракция шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинган ҳоллар тугатилади.

Юридик шахсни тугатилишини ошкораликда амалга ошириш тугатиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва камчиликларсиз яқунлашда муҳим аҳамият касб этади. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколат берилган

орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма тартибда хабар беришлари лозим. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мана шу хабарга асосан юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни ягона давлат реестрига киритади. Маълумотлар киритилгандан сўнг юридик шахсининг фирма номига албатта “тугатилишда” деган сўз қўшиб қўйилади.

Бундан ташқари, бу ҳақда солиқ органларини ҳам хабардор қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ташкил этилган пайтда солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ органларида рўйхатга олинади. Солиқ кодексининг 50-моддасига кўра юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, (ихтиёрий тугатиш ҳоллари бундан мустасно) тугатувчи беш кунлик муддат ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда маълум қилади.

Тадбиркорлик субъектини тугатишда юридик шахс фаолияти тўлиқ бекор қилиниб, унинг иши тўхтатилади ва мол-мулки тугатилади. Бундай ҳолатда тугатиш комиссияси тузилади. Унинг фикрига қисман қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда тугатиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида тугатиш комиссияси тузилиши ёки шундай ҳаракатларни бажарувчи тугатувчи тайинланиши ўзининг қонуний асосига эга. Бу ҳатти-ҳаракатлар тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Давлат корхоналарини тугатишда тугатиш комиссияси таркибини иқтисодий ночорлик бўйича бошқарма Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари, маҳаллий ижроия органлари мутахассислари ва бошқалар ташкил қилиши мумкин. Шундай қилиб, қоидага кўра, амалиётда тугатиш комиссияси таркибига муассислар (иштирокчилар) тугатилаётган ташкилот маъмурияти вакиллари киради.

Шунингдек, улар тугатиш комиссияси ёки тугатувчининг асосий вазифаларини аниқлаштириш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ тугатиш тартибини ҳамда муддатини белгилаб оладилар. Тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахсининг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Кодекснинг 55-моддасига мувофиқ бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб *“икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас”*. Ундан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларида эса бу муддат икки ойгача деб

кўрсатилар эди. Лекин амалиётда бир ой кўрсатилиб эълон қилинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой кўрсатилиб хабар қилинади. Шу билан кредиторлар томонидан ўз талабларини баён қилиш учун зарур бўлган имконият чекланади. “Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас” деб кўрсатилган Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли қафолат яратишга қаратилган.

Тугатиш комиссияси тасдиқланган кундан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур комиссия тугатувчи мустақил ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланмайди. У фақат тугатиш жараёнида кредиторлар, қарздорлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиб, тугатилаётган юридик шахс номидан ҳаракат қилади.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс ҳисоб варақлари очилган банкка тугатиш комиссиясининг руҳсатисиз ҳисобдан фойдаланмаслик тўғрисида ариза юборади. Мана шу аризага кўра банк тугатилаётган корхона ҳисоби бўйича кейинчалик юборилаётган ижро ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишни тўхтатади. Тугатиш комиссияси барча кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини ундириш, шунингдек, юридик шахс тугатилаётганлиги ҳақида кредиторларни ёзма хабардор қилиш чораларини кўриш лозим. Дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида қарздорларга талаб қўйишлари зарур. Агар қарзларни қайтариш рад қилинса тегишли даъво билан судга мурожаат этиш керак. *Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ* юридик шахс тугатилаётган тақдирда яқуний молиявий ҳисобот тузилади .

Барча кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, тугатишнинг яқунловчи босқичи бошланади.

Тугатиш комиссияси муассислар ва иштирокчилар билан келишиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тасдиқланган тугатиш балансини тузади. Юридик шахснинг кредиторлари талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига ва иштирокчиларига топширилади. Шундан сўнг юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона

давлат реестрига киритилиб юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахсининг махсус ҳуқуқ лаёқати эса тугаган ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ топширилган тақдирдагина юридик шахс ягона давлат реестридан ўчирилиши керак:

- тугатиш комиссиясининг юридик шахсни давлат реестридан чиқариш ҳақидаги аризаси.
- муассислар умумий йиғилиши баённомаси билан бирга юридик шахсни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг тугатиш тўғрисидаги қарори.
- юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги матбуотда эълон берилган нашр.
- тасдиқланган тугатиш баланси;
- солиқ органлари ва пенсия, аҳолини иш билан таъминлаш фондлари ҳисобидан чиқилганлик ҳақида маълумот;
- қонунда белгиланган тартибда аудитор хулосаси;
- банклардан ҳисоб варақларини ёпилганлиги ҳақида маълумотнома;
- статистика идорасидан классификацион кодни бекор қилиш ҳақидаги хат;
- кредиторлар билан ҳисоблашгандан сўнг, қолган мол-мулкни иштирокчилар ўртасида тақсимланганлиги тўғрисидаги далолатнома
- ички ишлар бўлимидан юридик шахс муҳри ва штампини йўқ қилишга топширилганлиги ҳақида маълумотнома.

Юридик шахсни тугатишнинг юқорида санаб ўтилган босқичлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб боради. Биронтасининг тўғри бажарилишига эътибор берилмаса, тугатиш жараёнининг аниқ ва изчил амалга оширилишига салбий таъсир этиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари.
3. Тадбиркорлик субъектларини тугатиш асослари ва усуллари.
4. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш: миллий ва хорижий тажриба.



5. Юридик шахслар тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти сифатида ва уларнинг таснифи.

### **3-мавзу. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар**

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик шартномалари тушунчаси ва турлари.
2. Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар.
4. Тадбиркорлик шартномалари шартларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш.
5. Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик.

**Таянч иборалар:** шартнома, тадбиркорлик шартномасининг мазмуни, тадбиркорлик шартномаси тарафлари, шартнома ўзгартириш, шартномани бекор қилиш, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, шартнома юзасидан мажбуриятларни амал қилиш муддати, мажбуриятларни амал қилиш муддатининг тугаши, шартномани жиддий (равишда) бузиш.

#### **Тадбиркорлик шартномалари тушунчаси ва турлари**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномалар тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларини чуқур билиш талаб қилинади. Сабаби тадбиркор иш фаолиятини бошлаш, юритиш ва тўхтатиш жараёнида шартномалар тузишга ҳар доим эҳтиёж сезади. Шартномаларга бериладиган илмий назарий таърифлар, шартнома ҳақидаги қоидаларни белгилашда концептуал ғоя бўлиб хизмат қилади. Шартномаларга таъриф беришда “тарафларнинг келишувви” деган ғоя етакчилик қилади. Ушбу келишувда тарафларнинг зиммаларига олган мажбуриятлари шартномадан кутилаётган натижаларга эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Буюк британиялик олим Сер Фредерик Поллокнинг таъбирича, шартнома бу – қонун кучи билан таъминланадиган ваъда ёки ваъдалардир.<sup>1</sup> Бундай шундай ғоя тушуниладиги, шартномаларнинг тузилишишида тарафларнинг хоҳиш истаги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.




---

<sup>1</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. - p 214

Бизга маълумки, шартномаларнинг турлари жуда кўп. Уларни фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқа фан – модуллари орқали ҳам танишгансиз. Бироқ, шундай шартномаларнинг бир кўриниши бўлган “тадбиркорлик шартномалари” ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадбиркорлик шартномалари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, хўжалик шартноманинг алоҳида кўринишидир. Олдинги чоп этилган адабиётларда тадбиркорлик фаолиятидаги шартномалар хўжалик ҳуқуқи фанининг “хўжалик шартномалари” мавзуси доирасида ўрганилган.

Ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришда фуқаролар ташаббускорликка асосланган иштирокининг ортиши ва мамлакатимизда яратилаётган ялпи миллий маҳсулотларнинг катта улуши тадбиркорлик субъектлари иштирокида яратилаётганлиги хўжалик шартномаларидан “Тадбиркорлик шартномалари”ни ажратиб ўрганишни тақозо этмоқда.


-  - *фуқаролик ҳуқуқий шартномалар*
-  - *хўжалик шартномалари*
-  - *тадбиркорлик шартномалари*

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятларида турли хил шартномаларни тузадилар: таъсис шартномалари, меҳнат шартномалари, тадбиркорлик шартномалари ва ҳ.к. Тадбиркорлик шартномалари дейилганда, бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тадбиркорлик субъектлари (жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар) ва давлат органлари билан тузиладиган шартномалар тушунилади.

Хўжалик шартномалари ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти учраши ва ундан фойда олиш мақсад қилиб қўйилмаслиги мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларда эса албатта фойда олиш мақсади билан бирга ўзига хос иштирокчи – тадбиркорлик субъекти иштирок этиши шарт.

Хўжалик шартномалари каби, тадбиркорлик шартномаси ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича умумий тамойилларга бўйсинади.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:



Англиялик олимлар Keenan and Richesнинг фикрича, шартноманинг хусусиятлари қуйидагилар:<sup>2</sup>

1. Келишув (тарафлар орасида)
2. Инобатга олиш (ўз мажбуриятларини)
3. Мақсад (ҳуқуқий оқибат)
4. Шакл (га амал қил)
5. Қобилият (шартнома туза олиш)
6. Розилик (фикрлар тўқнашувида тенглик)
7. Қонунийлик (шартнома қонундан ташқарида бўла олмайди)

Тадбиркорлик фаолияти шартномаси тўрт қисмдан ташкил топади:

- 1) кириш;
- 2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг **кириш** қисмида қуйидагилар: шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш, кредит, транспорт

<sup>2</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. - p 215

воситалари ижараси, қурилиш пудрати ва ҳоказолар); шартномани имзолаш вақти ва жойи; шартнома тарафларининг тўлиқ номи, тарафларнинг шартнома бўйича номланиши (масалан, «лицензиат», «кредитор», ва шу кабилар); шартномани имзолаётган шахснинг тўлиқ номи ва мансаби, шунингдек, унга шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (устав, низом ёки ишончнома) кўрсатилиши лозим.

Тадбиркорлик шартномасининг **иккинчи** қисмида шартнома предмети; тарафларнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари; тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи; тарафлар мажбуриятларини бажариш усуллари (ҳаракатлар тартиби, кетма-кетлиги ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Тадбиркорлик шартномасининг **учинчи** қисми барча шартномалар учун мажбурий эмас. Аммо, бундай шартлар мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек, уларни бажариш тартибига таъсир қилади.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларига шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг жавобгарлиги, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари; шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари, шартнома бўйича маълумотларни сир сақлаш, низоларни ҳал қилиш тартиби кабилар киради.

Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам тадбиркорлик шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат шартноманинг амал қилиш муддати қачон тугагини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош тортганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддатининг бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларидан яна бири, бу — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари дир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Одатда, тадбиркорлик шартномалари фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишларига йўл қўйилади. Шунингдек, шартномада унинг қайси шартлари сир сақланиши ва тарафлар

томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг **тўртинчи** қисми ўз ичига тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна қандай меъёрлар билан тартибга солинишини; тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги маълумотларни; шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижаларини; тарафларнинг реквизитларини; шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумотларни; шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибини; тарафлар вакилларининг имзоларини олади.

Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга ваколатли шахслар (номлари ёки мансаби), шунингдек, алоқа турлари (телефон, факс ва ҳ.к.) кўрсатилади.


Тарафларнинг реквизитларига — почта индекси, манзили, ҳисоб-китоб рақами, банк муассасасининг номи, коди, МФО, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юклаш реквизитлари киради ва улар тадбиркорлик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Шартномада унинг нусхалари сони ва уларнинг ҳақиқийлиги кўрсатилади. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартнома қалбакилаштирилишининг олдини олади.

Ҳар бир шартнома уни тузган тарафлар ёки уларнинг тўлиқ ваколатга эга бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек, шартнома юридик хизмат ходими ёки адвокат томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, муайян ҳолатларда шартнома юзасидан юридик хулоса берилиши талаб қилинади.

### **Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларнинг турлари**

Тадбиркорлик шартномалари турли мезонларга қуйидаги турларга ажратилади.

#### ***А. Шартнома мазмунига кўра:***




**Б. Хуқуқий табиатига кўра:** шартномалар консенсуал ва реал бўлиши мумкин.

1. Кўпгина шартномаларни тузиш учун тарафларнинг розилиги етарли, шунинг учун бундай шартномалар консенсуал шартномалар деб аталади.



2. Реал шартномаларни тузиш учун муайян ҳаракатлар, масалан, банк кафолати, кредит, мулк гарови, мулкдорнинг ёки таъсисчининг розилиги бўлиши лозим.

**В. Шартнома тадбиркорлик субъектининг молиявий имкониятига кўра:**




Қуйидагилар йирик битимлар (шартномалар) деб ҳисобланади:

➤ Акциядорлик жамиятлари учун жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш** фоизидан ортиғини ташкил этган битим.

➤ Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар учун жамият мол-мулки қийматининг **йигирма беш** фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим.

➤ Оилавий корхоналар йирик битимни ўз уставида белгилаб қўяди.


### Г. Тузилиш шаклига кўра:



Тадбиркорлик шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

### Keenan and Richesнинг фикрича, шартноманинг турлари 2 та<sup>3</sup>:



Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим тадбиркорлик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ тадбиркорлик шартномалари

<sup>3</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. - p 214

(бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара ва бошқ.) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик хўжалик шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

### **Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик шартномаларининг субъект (тараф)лари бўлади. Тадбиркорлик шартномасида давлат манфаатларини кўзлаб, давлат органлари ёки у ваколат берган бошқа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

*Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-1-сонли Қонунига мувофиқ, хўжалик шартномалари қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.*



### Тадбиркорлик шартномаси тарафининг ҳуқуқлари

✓ - шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

✓ - шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

✓ - давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

✓ - бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;


✓ - ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

### Тадбиркорлик шартномаси тарафининг мажбуриятлари

✓ - шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

✓ - қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

✓ - тузилган шартномалар бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.



Тадбиркорлик шартномасининг тарафларни шартномавий муносабатга киришаётганда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Булардан ташқари, тарафлар шартномавий муносабатга киришишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин. Мисол учун шартнома юзасидан тўловларни олдиндан тўлиқ тўлаш мажбурияти белгиланиши мумкин.

## Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у оферта, акцепт, юридик экспертизадан ўтказиши ва шартномани имзолаш босқичларидан. Таклиф **оферта**, таклифни киритган шахс эса **оферент** деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши **акцепт**, таклифни қабул қилган шахс эса **акцептант** деб аталади.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар икки турга бўлинади. Булар:

### *Акцептлаш муддати кўрсатилган оферта*

Одатда, офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати кўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичида ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда, агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб, бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади.

### *Акцептлаш муддати кўрсатилмаган оферта*

Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар орали шартноманинг шартлари шакллантирилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулоқот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дарҳол акцептланса, оферентни «боғлаб» қўяди. Ёзма берилган оферта эса, аввал унинг матни билан танишиб чиқишни, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қилади. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан «боғланган» бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни «боғлаб» турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартномани тузиш учун берилган таклифда қуйидагилар мавжуд бўлсагина **оферта** деб ҳисобланади:

1. Бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари;
2. Оферта юборилаётган шахс аниқ кўрсатилганлиги.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у оферта деб эмас, балки **офертага даъват** деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай даъватга турли жавоблар келиши мумкин. Балки улардан баъзиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага даъват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган акцепт деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий маънодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Шартномавий муносабатларга киришиш учун оферта ва акцептнинг мавжудлиги мажбурий шарт эмас. Уларсиз ҳам шартнома тузиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномаларини **ҳуқуқий (юридик) экспертизадан** ўтказиш шартнома тарафларининг юридик хизмати ёхуд шартнома асосида жалб этилган адвокатлар, адвокатлик тузулмалари томонидан амалга оширилади.

Англия қонунчилигига кўра, қуйидаги ҳолларда оферта тугаган (ўз кучини йўқотган) бўлади<sup>4</sup>:

1. Қабул қилинганда
2. Рад рад қилинганда
3. Қабулдан олдин қайтариб олиш
4. Офертанинг вақтини тугаши (агар бўлса)
5. Офертачининг ўлими
6. Офертанинг шартларини бажара олмаслик

Тадбиркорлик шартномалари борасида юридик хизмат:

- тадбиркорлик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек

<sup>4</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. - p 218

талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

- шартномалари бажарилиш устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

- тадбиркорлик субъекти раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган тадбиркорлик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни кўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Тадбиркорлик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни ҳуқуқий эксперт имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Keenan and Richening фикрича, Англияда қуйидагиларга ҳам, ёзма расмий офертадан ташқари, оферта деб қаралади<sup>5</sup>:

1. Товарларни нархи билан магазин деразасига қўйиш
2. Брошура, каталог, реклама
3. Компаниянинг ютуқларини кўрсатувчи таништирув китобчаси
4. Ким ошди савдоси
5. Тендер

Қонун ҳужжатларида белгиланган **энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан** ортиқ суммадаги тадбиркорлик шартномалари тадбиркорлик субъектлари юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

<sup>5</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. - p 216

❖ тадбиркорлик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

❖ тадбиркорлик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

❖ тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

### **Тадбиркорлик шартномалари шартларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш**

Тадбиркорлик шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган тадбиркорлик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Тадбиркорлик шартномасида унинг бажариш вақти назарда тутилган ёки уни аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда шартномавий мажбурият ўша вақтда бажарилиши керак. Умумий қоидага кўра, тараф шартномани муддатидан илгари бажариши мумкин эмас. Бироқ, агар тарафлар учун бундай ҳолат шартномада назарда тутилган ва бунга иккинчи тараф розилик берган бўлса мажбуриятни муддатидан илгари бажариши мумкин. Шартномавий мажбуриятни бажариш муддати талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, биринчи тараф (кредитор) ҳар қачон ижрони талаб қилишга, иккинчи тараф (қарздор) эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади.

Тадбиркорлик шартномаси бўйича мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун ёки шартноманинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб **етти кунлик муддат** ичида бажариши шарт.

Тадбиркорлик шартномалар шартларини бажаришда қуйидагиларга риоя қилинади: 1. Шартнома шартларига (қонунчиликка зид бўлмаган). 2. Қонун ҳужжатлари талаблари. 3. Иш муомаласи одатлари.

Тадбиркорлик шартномалари тузилган пайтдан ҳар хил сабабларга кўра уни ўзгартириш, хаттоки бекор қилиш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

**Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш бу- тарафларнинг**

ихтиёрий келишувига мувофиқ ёки суднинг қарори билан шартнома шартларини ўзгача тарзда баён қилиш ёки тўлдириш.

**Тадбиркорлик шартномаларини бекор қилиш**  
бу- тарафларнинг ихтиёрий келишувига мувофиқ ёки суднинг қарори билан шартноманинг барча шартларини комплекс тарзда бекор қилиниши.

Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилишга сабаб бўладиган ҳолатлар иккига бўлинади. Булар: Бундай сабабларни объектив ва субъектив турларга бўлиш мумкин.

#### **Объектив сабаблар**

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг объектив сабаблари тарафларнинг хоҳиши боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берадиган воқеликлар тушунилади. Буларга қонунчиликка кирган янги ўзгаришлар, форс-мажор ҳолатлар, бир тарафнинг мажбурий тугатилиши ва ҳ.к.лар мисол бўлади.

#### **Субъектив сабаблар**

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг субъектив сабаблари тарафларнинг ёки улардан бирининг ихтиёрий ҳатти ҳаракатида вужудга келади. Уларга мисол қилиб, шартномани ихтиёрий равишда ўзгартириш ва бекор қилишга тарафларнинг хоҳининг пайдо бўлиши, шартнома шартларини бузишларни келтириш мумкин.

Тадбиркорлик шартномалари икки усулда бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин:

**1-усул. *Тадбиркорлик шартномаларини тарафларнинг келишувига кўра ўзгартириш ва бекор қилиш.***

Тадбиркорлик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувига ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Тадбиркорлик шартномасини ўзгартириш ҳақидаги келишувда қуйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ўзгартирилаётган шартноманинг рақами, санаси, номи; шартномани ўзгартириш сабаби; ўзгартирилаётган ёки қўшимчалар киритилаётган шартлар ва уларнинг янги таҳрири; ўзгартириш киритилгандан кейин аввалги шартларнинг юридик кучини йўқотиши ҳақидаги банд; ўзгартириш ёки қўшимча киритилишидан олдин мазкур шартлар бўйича юзага келган масалаларни ҳал қилиш тартиби.

Тарафларнинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувида эса қуйидаги маълумотлар киритилиши лозим: қандай шартнома бекор қилинаётганлиги; қайси вақтдан шартнома бекор қилинаётганлиги; шартнома бекор қилинишидан олдин мазкур шартнома юзасидан вужудга келган масалаларни ҳал қилиш тартиби; шартнома бекор қилингандан кейин тарафларнинг мазкур шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари ўз кучини йўқотиши тўғрисидаги банд.

Тадбиркорлик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки тадбиркорлик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

***2-усул. Тадбиркорлик шартномаларини суд тартибида ўзгартириш ва бекор қилиш.***


Тарафлардан бирининг талаби билан тадбиркорлик шартномаси Иқтисодий суд нинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини **жиддий равишда** бузган ёхуд қонунда, ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши, ёки бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-І-сонли қонунининг 15-моддасига мувофиқ тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини **жиддий бузиш** ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан **рад жавоби олганидан кейингина** ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса **ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин**, тадбиркорлик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Демак, хўжалик шартномалари қонунчилик ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳолларда бир тарафлама, ёки Иқтисодий суд нинг ҳал қилув қарори билан бекор қилиниши мумкин.

**Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан  
жавобгарлик**

Шартнома мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаслик куйидаги жавобгарликларга сабаб бўлади:



Европанинг таниқли олимларидан бири **Geoff Monahan**нинг фикрига кўра, шартноманинг шартларини қисман бажариш

“умуман бажарилмаган”

деб топилишига сабаб бўлиши мумкин<sup>6</sup>.

**Фуқаровий (шартномавий) жавобгарлик.** Шартноманинг муҳим шартларидан бири унда иштирок этувчи тарафлар мажбуриятларининг белгилади. Бундан ташқари, тарафлар қонун ҳужжатларида ва иш муомаласидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Муайян тараф сифатида иштирок этувчи субъект томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида бошқа тарафга зарар етказилса, ушбу зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келади.

**Мисол учун,** маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, етказиб берувчи (сотувчи) шартномада назарда тутилган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаган ҳолларда мазкур маҳсулот етказиб бериш мажбурияти билан бирга, кечиктирилганлик туфайли олинмасдан қолинган фойдани ҳам қоплаб беради.

Бундан ташқари, шартнома шартларини ўз вақтида лозим даража бажарилиши таъминлаш мақсадида тарафлар шартномада ҳар бир ҳолат юзасидан бошқа фуқаролик жавобгарлик чораларини белгилашлари мумкин.

<sup>6</sup> Essential Contract Law, Cavendish Essential series, Geoff Monahan, Second edition, London. 2001. P.138.



**Ёки бўлмаса**, сифатсиз маҳсулотни етказиш эвазига етказилган зиённи қоплаш билан бир қаторда, қўшимча тўловларни амалга ошириш, харидорнинг бошқалар олдидаги нуфузини сақлаш мақсадида раддиялар бериш.

Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли қўлланиладиган фуқаровий жавобгарлик чоралари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.


*Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-1-сонли қоунинида шартноманинг мажбуриятларининг бузилиш ҳолатларига қуйидагича жавобгарлик чоралари белгиланган.*

№	Ҳолат		Жавобгарлик чораси
1.	Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда,	-	товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг <b>0,5 фоизи</b> миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг <b>50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.</b>
2.	Етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса	-	сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг <b>20 фоизи миқдорида жарима</b> ундириб олишга ҳақлидир.

3.	Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда	-	<p>Сотиб олувчи (буюртмачи):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли;</li> <li>- бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;</li> <li>- етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг <b>20 фоизи миқдорида жарима</b> ундиришга ҳақли.</li> </ul>
4.	Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун	-	<p>етказиб берувчи сотиб олувчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг <b>5 фоизи миқдорида жарима</b> тўлайди.</p>
5.	Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса	-	<p>етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг <b>5 фоизи миқдорида жарима</b> тўлайди.</p>
6.	Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун	-	<p>етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.</p>

7.	Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун	-	сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг <b>5 фоизи миқдорида</b> , тез бузиладиган товарлар бўйича эса — <b>10 фоиз миқдорида жарима</b> тўлайди.
8.	Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун	-	сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг <b>15 фоизи миқдорида жарима</b> тўлайди.
9.	Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун	-	сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг <b>0,4 фоизи миқдорида</b> , аммо кечиктирилган тўлов суммасининг <b>50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня</b> тўлайди.
10.	Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун	-	айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг <b>10 фоизи миқдорида жарима</b> тўлайди.

**Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарлиги.** Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор **маъмурий жавобгарлик**ка ҳам тортиладилар.



**Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги.** Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор **жиноий жавобгарлик**ка ҳам тортилишлари мумкин.



### Назорат саволлари:

1. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар – бу нима?
2. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар қандай турлари мавжуд?
3. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
4. Тадбиркорлик шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини нималардан иборат?
5. Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидаларига тўхталинг.
6. Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан жавобгарликнинг турлари ҳақида фикрингизни баён қилинг.
7. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини шартномавий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишлари ҳақида

нималарни биласиз?

**8.** Тадбиркорлик фаолиятини шартномавий тартибга солишнинг қонунчиликдаги принципларини баён қилинг.

#### **4-мавзу: Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши**

##### **Режа:**

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси.
2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари.
3. Инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

**Таянч иборалар:** *Ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, импорт, экспорт, ташқи иқтисодий шартнома, ИНКОТЕРМС, форс-мажор.*

##### **Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси**

Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Экспорт – бу мураккаб жараён бўлиб, муайян назарий билимларга эга бўласдан туриб унинг барча тартиб-қоидаларини ўрганиб бўлмайди.

Экспорт – товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, шуниндек, уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳам қайтариб олиб кириш мажбуриятини олмаган ҳолда мамлакат божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилишидир.<sup>7</sup>

“Экспорт” атамаси латинча “exporto” сўзидан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз таржима қилганда товарлар ва хизматларни мамлакат портларидан ташқарига олиб чиқиб кетиш мазмунини англатади. Бундай товарлар ва хизматларни сотиб олувчи мамлакатларни эса — “импортёр”, мамлакатнинг маҳсулотини ундан ташқарига сотувчини эса — “экспортёр” деб аташ қабул қилинган.

---

<sup>7</sup>Т.А.Корнийчук, А.А.Пелишенко, “Экспортные контракты”- royalib.ru

Шу билан биргаликда “экспорт” ва “экспорт режими” тушунчаларини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Экспорт товарлар, ишлар, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларини хорижга ёки хорижий субъектга сотилиши ёки айирбошланишида ифодаланади, божхонанинг экспорт режими эса шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилади. Экспорт режимига жойлаштирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида Божхона кодексида назарда тутилган ҳолларда бу ҳудуддан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда туриши мумкин.

Экспорт соҳасида тартиб-қоидалар экспортни ривожлантиришга хизмат қилади, бунда айрим маҳсулотларни мамлакатда сақлаб қолиш ва хорижий рақобатчилардан стратегик маҳсулотларни асраш учун тақиқловчи ёки чекловчи қоидалар ўрнатилади. Экспортни тартибга солишда шунини доим эътиборда сақлаш лозимки, бу борадаги қоидалар ҳам рағбатлантирувчи, ҳам чекловчи характерга эга бўлади<sup>8</sup>.

### **Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари**

Миллий қонунчилигимизда “ташқи иқтисодий битимлар” термини учрасада (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддаси 2-қисмида “Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади” дейилган), бу тушунчага легал таъриф берилмаган.

Халқаро савдо ўзига хос расмийлаштирувни талаб этади, буни рад этишнинг эса иложи йўқ. Расмийлаштирув юклар юкланганлигини, барча қонуний талаблар бажарилганлиги, маҳсулотлар тўғри таърифланганлигини ўзида акс эттиради<sup>9</sup>.

Бундан ташқари Б.Самархўжаев “ташқи савдо-сотик битими” ва “ташқи иқтисодий битим” тушунчалари ҳусусида фикр юритар экан, уларни ҳам синоним тушунчалар эканлигини таъкидлаш билан бирга, фарқларини ҳам кўрсатиб беради. Унинг фикрича “ташқи савдо-сотик

---

<sup>8</sup> Weiss, Kenneth D. (Kenneth Duane). Building an import / export business. John Wiley & Sons, Inc. 2007, page 191

<sup>9</sup> Guide to importing and exporting. International banking. May 2015 – Version 4.0. page 15. [http://www.boq.com.au/uploadedFiles/Guide\\_importing\\_exporting\\_v1.0.pdf](http://www.boq.com.au/uploadedFiles/Guide_importing_exporting_v1.0.pdf)

битимлари”(инглизча foreign trade deals) шундай битимларки, уларнинг қатнашчиларидан бири чет эллик жисмоний ёки юридик шахс бўлади, ушбу битимларнинг мазмунини эса товарлар, хизматлар, шунингдек ижодий фаолият натижаларини экспорт ёки импорт қилиш билан боғлиқ бўлган операциялар ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқи ташкил қилади. Ташқи иқтисодий битим янада кенгроқ маънога эга бўлиб, чет элименти иштироқидаги хоҳлаган иқтисодий характердаги битим сифатида намоён бўлади (таъсис шартномаси, хизмат кўрсатиш, лойиҳаларни амалга ошириш, лицензия шартномалари, лизинг шартномалари ва ҳоказо)<sup>10</sup>.

Мамлакатнинг халқаро олди-сотди жараёнларидаги иштироқи давлатга валюта тушумининг келиб тушишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бунда 1980 йилги Вена Конвенциясини таъкидлаб ўтиш аҳамиятга моликдир. Мазкур Конвенцияда халқаро олди-сотди муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг яна бир йўналиши сифатида инвестиция фаолияти назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида инвестицион иқлимни шакллантиришда инвестицион муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни бекиёсдир. Миллий қонунчилигимизни таҳлил этадиган бўлсак, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг салмоқли эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Шунингдек, 2014 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, мазкур Қонуннинг мақсади инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги назарда тутилди.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб этишга катта эътибор қаратилиши ва рағбатлантирилишини 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларнинг моҳиятидан ҳам англаш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нисбатан ривожланганлиги, мустақилликка эришилгандан сўнг қисқа муддатларда бу соҳадаги қонунчиликнинг шакллантирилганлиги таҳсинга сазовордир.

Шу билан биргаликда, миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

### **Инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Мамлакатимизнинг иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланган Япония бугунги кунда нафақат хорижга капитал киритувчи давлат, балки хорижий инвестицияларни ўз ҳудудига қабул қилувчи мамлакат сифатида ҳам дунёда ўз ўрнига эга.

Дунё жамоатчилиги томонидан Япониянинг инвестицион сиёсатида эътироф этилган хусусиятларидан бири бу ушбу мамлакатда Савдо ва инвестиция соҳасида омбудсман институтининг ташкил этилганлигидир. Савдо ва инвестиция соҳасида омбудсман ҳукумат томонидан савдо ва инвестиция соҳасида тадбиркорларнинг, айниқса, хорижий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга<sup>11</sup>.

Худди шунга ўхшаш институтни Корея Республикасида ҳам учратиш мумкин бўлиб, у Хорижий инвестициялар бўйича омбудсман институти деб номланиб, Корея Республикасининг 1998 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар билан ҳамкорлик тўғрисида”ги қонун (*Foreign Investment Promotion Act*<sup>12</sup>) да ўз ифодасини топган. Мазкур қонуннинг 15-2 моддасида Хорижий инвестициялар омбудсмани (*Foreign Investment Ombudsmen*)га бағишланган бўлиб, Хорижий инвестициялар бўйича омбудсман Иқтисодиёт вазирининг тавсиясига кўра Президент томонидан тайинланади. Хорижий инвестициялар бўйича омбудсман хорижий инвесторларнинг барча шикоятларини кўриб чиқади ҳамда бу борада исталган маъмурий органлардан тушунтириш олиш ваколатига эга.

---

<sup>11</sup>Қаранг: Терехова Ю.А., Олиферчик Т.М. Оценка привлекательности японской экономики для прямых иностранных инвестиций // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 1-2. – С. 245-250

<sup>12</sup>[https://elaw.klri.re.kr/kor\\_service/law](https://elaw.klri.re.kr/kor_service/law)



Бундан ташқари Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 8 январда қабул қилинган “Инвестиция тўғрисида”ги Қонунида ҳам инвестиция бўйича Омбудсман институти мавжуд. Хусусан, ушбу қонуннинг 12<sup>1</sup>-моддасида Қозоғистон Республикасида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида инвестиция бўйича омбудсман фаолият юритиши белгиланган.

Мамлакатимизда мазкур институтга ўхшаш институтнинг жорий этилиши хорижий инвесторларнинг манфаатларининг таъминланиши ҳамда уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция олиб киришларига муҳим туртки бўлар эди.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

М.Ю. Тулаева таъкидлаб ўтганидек, “чет эл капитал қуйилмаларини миллий иқтисодиётга жалб қилишдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Бунга асосан, чет эл инвестицияларининг миллий иқтисодиёт ш ароитида чет эллик тадбиркорлар фаолиятининг асосини белгиловчи ҳуқуқий режимини ўрнатиш йўли билан эришилади. Бу эса, ўз навбатида, ўзга давлат ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва унинг юрисдикциясига бўйсунувчи чет эллик инвестор мавқеининг заифлигини белгилайди. Айнан шундай заифликнинг мавжудлиги туфайли, чет эллик инвесторни миллий иқтисодиётга инвестиция қўйиш механизмига доир аниқ ва равшан қоидаларни, инвестицияларни амалга ошириш ташкилий-ҳуқуқий шакллари, шунингдек, чет эл мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини белгилаш - инвестицияга доир қонунчиликнинг муҳим вазифаси ҳисобланиши лозим<sup>13</sup>”.

А.Г.Богатирев инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари деганда, субъектив омиллардан қатъи назар инвестицияга доир муносабатларнинг иштирокчиларига инвестиция фаолиятини ҳар доим амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган муайян шароитлар яратишни тушунади<sup>14</sup>.

Инвестицияга доир муносабатларда кафолатлар институти деганда, амал қилиш мақсадларига кўра бир неча гуруҳга бўлинадиган нормалар йиғиндисини ҳам тушунадилар. Чунончи:

<sup>13</sup> Тулаева М.Ю., Правовой режим иностранных инвестиций в Российской Федерации. -Дисс.канд.юрид. наук. - М., 2005. - 3-б.

<sup>14</sup> Богатирев А.Г. Инвестиционное право. - М.: Российское право, 1992. - С. 22

-инвесторларга имтиёзлар бериш масалаларига бағишланган нормалар;


-инвестицияларни суғурта қилиш масалаларини тартибга солувчи нормалар;

-инвестор ва давлат ўртасидаги инвестицияларга доир низоларни тартибга солишга бағишланган нормалар<sup>15</sup>.

С.С.Бровкина таъкидлаб ўтганидек, “чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари тизимида икки кичик тизим: давлат даражасида ва халқаро-ҳуқуқий даражада мустаҳкамланган кафолатлар фарқланади.

Биринчи кичик тизим Конституцияда ва амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларида, иккинчи кичик тизим эса, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида, шу жумладан, чет эллик инвесторлар иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя оладиган халқаро ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро конвенцияларда мустаҳкамланган”<sup>16</sup>.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши мамлакатнинг нафақат иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, балки давлатнинг жаҳондаги сиёсий обрў-эътиборига ҳам таъсир этади.



<sup>15</sup> Лебединец И.Н. Международно-правовые гарантии иностранных инвестиций. - Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - М., 1997. - С. 23-24.

<sup>16</sup> Бровкина С.С. Правовое обеспечение гарантий иностранных инвесторов в национальном законодательстве Российской Федерации и международном частном праве. —Дисс...канд.юрид.наук. - М., 2004. - С. 8-6.

М.Ю.Тулаева таъкидлаб ўтганидек, “чет эл капитал қуйилмаларини миллий иқтисодиётга жалб қилишдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Бунга асосан, чет эл инвестицияларининг миллий иқтисодиёт ш ароитида чет эллик тадбиркорлар фаолиятининг асосини белгиловчи ҳуқуқий режимини ўрнатиш йўли билан эришилади. Бу эса, ўз навбатида, ўзга давлат ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва унинг юрисдикциясига бўйсунувчи чет эллик инвестор мавқеининг заифлигини белгилайди. Айнан шундай заифликнинг мавжудлиги туфайли, чет эллик инвесторни миллий иқтисодиётга инвестиция қўйиш механизмига доир аниқ ва равшан қоидаларни, инвестицияларни амалга ошириш ташкилий-ҳуқуқий шакллари, шунингдек, чет эл мулкини ҳимоя қилиш кафолатларини белгилаш - инвестицияга доир қонунчиликнинг муҳим вазифаси ҳисобланиши лозим<sup>17</sup>”.

А.Г.Богатирев инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари деганда, субъектив омиллардан қатъи назар инвестицияга доир муносабатларнинг иштирокчиларига инвестиция фаолиятини ҳар доим амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган муайян шароитлар яратишни тушунади<sup>18</sup>.

Инвестицияга доир муносабатларда кафолатлар институти деганда, амал қилиш мақсадларига кўра бир неча гуруҳга бўлинадиган нормалар йиғиндисини ҳам тушунадилар. Чунончи:

-инвесторларга имтиёзлар бериш масалаларига бағишланган нормалар;

-инвестицияларни суғурта қилиш масалаларини тартибга солувчи нормалар;

-инвестор ва давлат ўртасидаги инвестицияларга доир низоларни тартибга солишга бағишланган нормалар<sup>19</sup>.

С.С.Бровкина таъкидлаб ўтганидек, “чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари тизимида икки кичик тизим: давлат даражасида ва халқаро-ҳуқуқий даражада мустаҳкамланган кафолатлар фарқланади.

---

<sup>17</sup> Тулаева М.Ю., Правовой режим иностранных инвестиций в Российской Федерации. -Дисс.канд.юрид. наук. - М., 2005. - 3-б.

<sup>18</sup> Богатырев А.Г. Инвестиционное право. - М.: Российское право, 1992. - С. 22

<sup>19</sup> Лебединец И.Н. Международно-правовые гарантии иностранных инвестиций. - Автореф. дисс... канд. юрид. наук. - М., 1997. - С. 23-24.

Биринчи кичик тизим Конституцияда ва амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларида, иккинчи кичик тизим эса, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида, шу жумладан, чет эллик инвесторлар иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя оладиган халқаро ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро конвенцияларда мустаҳкамланган<sup>20</sup>.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши мамлакатнинг нафақат иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, балки давлатнинг жаҳондаги сиёсий обрў-эътиборига ҳам таъсир этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини тавсифлаб беринг.
2. Давлат маблағлари ҳисобига молияланадиган импортнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
3. Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий асосларини таҳлил қилинг.
4. Ташқи иқтисодий битимларни тузиш тартибини тушунтиринг.
5. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тушунтиринг.

### **5-мавзу. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари**

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш.
2. Микрокредит тушунчаси ва турлари.
3. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурининг йўналишлари.

**Таянч иборалар:** тадбиркорлик субъекти, тадбиркорлик фаолияти, мулкӣ ҳуқуқ, тижорат банки, кредит, микро кредит, тадбиркорлик субъектини молиялаш, тадбиркорлик субъектини кредитлаш, кредит линияси.

### **Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш**

---

<sup>20</sup> Бровкина С.С. Правовое обеспечение гарантий иностранных инвесторов в национальном законодательстве Российской Федерации и международном частном праве. —Дисс...канд.ю рид.наук. - М. , 2004. - С. 8-6.

Тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 16-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредитлар берилаётганда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёлари ва мулкый ҳуқуқларидан, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфини суғурта қилиш полисидан фойдаланиши мумкин.

«Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2527, 19.11.2013 й.) Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди. Микрокредитлар қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик, шунингдек мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

### **Микрокредит тушунчаси ва турлари**

Микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50

фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси, шу жумладан тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги маржа билан тақдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушида оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоӣ эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Бунда тижорат банклари кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Имтиёзли давр билан берилган микрокредитлар бўйича фоизлар улар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва асосий қарз имтиёзли давр тугаганидан кейинги кундан бошлаб ундирилади.

Микрокредитлар:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ва умумий овқатланиш ташкилотлари айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда улар учун ускуналар сотиб олиш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан хизмат автомобиллари таъминоти;

мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун берилиши мумкин эмас.

Давлат мақсадли жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар қарз олувчиларга куйидаги мақсадлар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги инвентари ва

ускуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва кадоқлаш, қурилиш материаллари, озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, ҳунармандчилик, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хом ашё, ер, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар.

Давлат мақсадли жамғармаси кредит линияси ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун ажратиладиган микрокредитларни олишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги қатламлари устуворликка эга бўлади:

кам таъминланган оилалар аъзолари;

таркибида ногиронлар, жумладан Кўзи ожизлар жамияти аъзолари бўлган оилалар;

таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари бўлган оилалар;

боқувчисини йўқотган оилаларнинг аъзолари;

ёш оилаларнинг аъзолари.

Қарз олувчи — тадбиркорлик субъектлари микрокредит олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

тегишли давлат солиқ инспекциясининг қарз олувчи охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик

шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно;

мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган кредит таъминоти турларидан бири.

Тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг микрокредит олиш бўйича аризаларини электрон тизим орқали қабул қилиш учун дастурий таъминот жорий қилиниши мумкин.

Қарз олувчилар микрокредит қайтарилишининг таъминоти сифатида хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

мол-мулк гарови (жисмоний шахслар бундан мустасно);

банк ёки суғурта компаниясининг кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

Микрокредит ҳисобига сотиб олинган мулк ушбу микрокредит бўйича ўз қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Банклар қарз олувчилар томонидан микрокредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга.

Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида 3 нусхада тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Мазкур шартноманинг охирги варағига кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банк бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган ёзув киритилади.

«Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига асосан, қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил қарзни қайтариш муддати тугагач, хизмат кўрсатувчи банкнинг биринчи талабига биноан шартномага мувофиқ қарз олувчининг қарзини тўлаши шарт.

### **“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурининг йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги



ПҚ-3777-сон қарори билан мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилмоқда.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — мини-кластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар қўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни

аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилган:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар;

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳлар;

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар.

Қарорда ҳар бир ишчи гуруҳнинг вазифалари ҳам алоҳида белгилаб берилди. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг

натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилган.

Махсус ишчи гуруҳларга:

тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари» мавзусида ўқув машғулотларини ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оилаларга тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишига кўмаклашиш;

кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига касаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмаларни ташкил этиш орқали кўшимча даромад топиш имконини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш юклатилган.

Ҳудудий ишчи гуруҳларга:

ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

ҳовли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва кўмаклашиш;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар бериш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда кўмак бериш;

ҳар ойда камида бир марта тадбиркорликни янги ташкил қилган оилаларга ташриф буюриб, фаолияти давомида юзага келаётган муаммоларни ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича ҳудуд ва республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва таклифларни Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатилган.

Қарорда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига зарур бўлган ҳолатларда Дастурда белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилган.

Шунингдек, ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга устувор равишда кафиликлар ва фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажратиши белгиланган.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз

харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан тақлифлар киритиб борсин.

Мазкур дастур доирасида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

Энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

Энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

Энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда — тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ПФ-5780-сон Фармонига кўра, Жаҳон банки томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес юритишга жалб қилиш ва бошланғич капиталдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органи сифатида тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан сўровномалар ўтказиш асосида, ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар — оралиқ товарлар ва хизматлар (хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

«Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштирувчи банклар этиб белгилаш;

«оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш ва умуман, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий кўллаб-қувватлаш давлат дастурлари доирасида аввал ажратилган кредитлар ҳисобига бўшайдиган маблағларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБга кейинчалик кредит бозорида бузилишларни бартараф этиш, пул маблағларидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва мақсадли молиявий ресурслардан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни бозор шароитларига яқин ставкаларда кредитлаш учун йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Молия вазирлиги Агентлик ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини талаб мавжуд бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга, уларни ижтимоий ва номолиявий кўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий этишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини ушбу тадбирларни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида илгари берилган кредитларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБларига жойлаштиришдан тушган кўшимча даромадлар ҳисобига молиялаштиришни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат

жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил қилинди ва Агентлик таркибига ўтказилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ:

а) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Жамғарма томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада амалга оширилади;

б) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш асосан кафиликлар ва кафолатлар шаклида, бошқа ҳолларда эса тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида амалга оширилади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда умум қабул қилинган методика асосида кафиликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида молиявий кўмак олувчи салоҳиятли қарздорлар — кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини танлашнинг аниқ мезонларини тасдиқлаши;

в) кафолатлар ва кафиликлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун тақдим этилиши белгиланди, қуйидагиларни назарда тутувчи кредитлар бундан мустасно:

илгари олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;  
алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачилик ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва корхоналарнинг айланма маблағларини шакллантириш;



савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаштириш;

нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар сотиб олиш;

д) қуйидагилар молиявий кўмак олиш учун асослантирилган аризаларни Жамғармага тақдим этиш юзасидан масъул ташкилотлар ҳисобланади:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари буюртмалари бўйича — тижорат банклари;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари буюртмалари бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари масъул ҳисобланади.

Ушбу фармонга кўра: а) Жамғарма ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиликнинг энг кўп миқдорини кредит суммасининг 50 фоизгача миқдорда сақлаб қолган ҳолда, унинг миқдорини 2 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмгача кўпайтириш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига:

суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 5 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

эквиваленти 10 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш тартиби белгиланди.

Ушбу талаблар тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафиликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси

Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

Ушбу Фармон билан 2019-2020-йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар назарда тутилган «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ҳам тасдиқланди.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлашнинг умумий тартиби қандай?
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини имтиёзли кредитлаш деганда нимани тушунасиз?
3. Микрокредит нима ва у қандай тартибда ажратилади?
4. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредитлаш тартибини тушунтиринг?
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги таркибидаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тадбиркорлик фаолияти субъектларини имтиёзли кредитлашда иштироқи қандай?

### **6-мавзу: Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш**

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг умумий тавсифи ва мазмун-моҳияти.
2. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини солиқлар воситасида бошқаришнинг функциялари ва асосий тамойиллари.
3. Тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқлар.

***Таянч иборалар:** солиқ, эгри солиқ, тўғри солиқ, солиқ турлари, солиқ имтиёзлари, резидентлар, норезидентлар, юридик шахслар тўлайдиган солиқлар, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар.*

### **Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг умумий тавсифи ва мазмун-моҳияти**

Давлат бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва уни ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдаги энг самарали воситалардан бири бу солиқлар саналиб, тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида таъсир этиш бевосита давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмунини солиқ соҳаларини либераллаштириш солиққа тортиш масаласида тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар бериш, интерактив хизмат кўрсатишининг самарадорлигини ошириш асносида иқтисодийнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишга йўналтирилгандир.

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уни қўллаб қувватлашни давлат йўли билан таъсир этишнинг энг самарали усулларида бири солиқлар орқали бошқаришдир. Давлат тадбиркорлик фаолиятига таъсир ўтказиш чоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, фискал мақсадларга эришиш, қонунлар билан белгилаб қўйилган тартиб қоидаларга риоя этилишини назорат қилишга интилади.

Солиқлар, маълум бир маънода давлатнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг асосий даромадлари бу солиқлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида энг долзарб муаммолардан бири – бу солиқ муносабатларини тартибга солиш масаласидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан солиқлар пул муносабатлари тизимидан иборат бўлиб, улар воситасида, бир томондан, давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар, иккинчи томондан, давлат маблағларини шакллантириш бўйича муносабатлар амалга оширилган. Солиқлар ҳисобига давлат молиявий ресурсларининг асосий қисми шакллантирилади, улар давлат бюджетига келиб тушади ва жамият эҳтиёжлари учун фойдаланилади. **Солиқлар – давлат бюджетининг даромад қисмига ўтказиладиган, юқори қонунчилик ҳокимият органларининг ҳужжатларига асосан юридик шахслар ва фуқаролар томонидан беғараз, муайян миқдорда ва белгиланган муддатларда умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган мажбурий тўловдир.**

Солиқлар инсон цивилизациясининг ажралмас қисми ҳисобланган. Инглиз иқтисодчиси С.Паркинсон сўзи билан айтганда: “Солиқлар кўҳнадир – худди дунёдек, унинг юзага келишида қачондир бир маҳаллий кўмондон ўз худудида жойлашган дарё ёки тоғдан савдогар ҳамда саёҳатчи ўтса улардан ҳақ олиши сабаб бўлган”. Илк солиқлар натура шаклига ундирилиб, аҳоли солиқларни экинлар ҳосилидан, савдо-сотиқдан ҳамда овлаган ҳайвонларидан тўлаганлар.

Ҳар қандай даврда ҳам солиқлар савдо-сотиқдан ёки савдогорлардан ҳам ундирилган.

Масалан, Марказий Осиёда ўрта асрларда хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун солиқ - закот (мол-мулкдан 2,5 фоиз миқдорда) ижтимоий кескинликни юмшатиш учун мўлжалланган, камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-эҳсон беришда фойдаланилган. Бундан ташқари, қуйидаги солиқлар мавжуд эди, вазифа - ўлпон, жузя - жон солиғи, хирож - ер солиғи. Хирож қуйидаги шаклларда ундирилган: Мисаҳа - ишлов бериладиган майдон бирлигидан қатъий ставкаларда; Муқота - қатъий белгиланган суммада; Муқосама - ҳосилнинг муайян улушида (1/3 қисми). Хирож Наврўз байрами арафасида йиғиб олинган. Жузяни мусулмон бўлмаган фуқаролар (озод эркаклар) тўлаганлар. Хотин-қизлар, кексалар, камбағаллар ва қуллар бусолиқни тўлашдан озод қилинган. Жузяни ҳисоблашда ўзига тўқлик даражаси ҳисобга олинган ва солиқ пул ёки натура шаклида ундирилган. Юқоридаги солиқлардан ташқаричорвадорлардан, ҳунармандлардан ва савдогарлардан солиқлар олинган. Умуман олганда, солиқ ҳамма даврда ҳам оддий аҳоли билан бирга савдогарлардан ҳам ундирилган ҳамда давлат хазинасини тўлдириш, амалдорлар ёки давлат вазифа ва функцияларини амалга ошириш, шунингдек жамият эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида йиғилган. Давлат даромадининг асосий манбаи бўлган.

Ҳозирги вақтда ҳам мамлакатамизда жорий қилинган солиқлар асосий қисмитадбиркорлик субъектларидан ёки тадбиркорлик фаолиятдан ундирилади. Даромад олган, тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланаётган ҳар бир шахс товар-молия бозорида ҳукуқий муносабатлар иштирокчиси хусусиятларга эга бўлган чоғдан бошлаб (масалан, даромад (фойда) олиши, мулкка эга бўлиши, ерга эгалик қилиши ва бошқалар) ўз-ўзидан солиқ тўловчига айланади ҳамда солиқ юзасидан тегишли мажбуриятларга эга бўладилар. Нотижорат ташкилотлар асосан солиқ тўламайдилар, лекин тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширадиган бўлсалар, тадбиркорлик фаолияти натижасида олган айрим даромадлари, тадбиркорлик мақсадида фойдаланган ер участкалари, мол-мулклари ва хизматлар учун солиқ тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин солиққа оид қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши билан солиққа оид ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг имкониятлар яратилди. Мустақилликдан сўнг самарали солиқ тизими жорий қилинди. Яъни корхона олган даромадларининг ҳаммаси эмас, балки олган даромадининг (фойдасининг) маълум бир миқдори солиққа тортилиб, қолган қисми корхоналарнинг ўзини ишлаб чиқаришини ривожлантириши, меҳнат фондини шакллантириши учун ўз ихтиёрларига берилди. Тадбиркорлик фаолиятига солиқлар орқали таъсир этиш усули жорий қилинди. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этишнинг энг самарали усулларида бири – бу солиқлар орқали бошқаришдир. Давлат солиқлар орқали тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатиб, ишлабчиқаришни ва истеъмолни тартибга солади, айрим фаолият турлари билан шуғулланувчиларни рағбатлантиради, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилишини назорат қилади. Солиқлар орқали таъсир кўрсатиш жараёнида давлат бюджетини ҳам шакллантириш вазифаларини амалга оширади. Демак, давлат тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш орқали бир томондан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солса, иккинчи томондан давлат бюджетини шакллантиради. Биз буларни қуйида солиқларни функцияларида кўриб чиқамиз. Чунки айнан солиқларнинг аҳамияти, роли унинг функцияларида намоён бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбиркорлик субъектлари нафақат солиқларни балки бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлашлари лозимдир.

Давлатнинг ихтиёридаги иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизм сифатида солиқлар орқали бошқариш ва тартибга солиш ўзига хос белгилар ҳамда хусусиятларга эга. Биз шу ўринда солиқлар орқали тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари билан танишиб чиқамиз. Солиқларнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи энг муҳим хусусиятлари **солиқ тўловларининг беғаразлиги, бу тўловларнинг мажбурийлиги, уларни жорий этиш ва ундириб олиш тартиби,**

**солиқнинг аниқ миқдорини ҳамда уни амалга киритишнинг аниқ муддатини белгилашдан иборат.**

*Солиқ тўловларининг безаразлиги* шуни англатадики, солиқлар шаклида бюджетга киритиладиган пул маблағлари мақсадли йўналишга эга эмас. Улар юридик ва жисмоний шахслардан давлат мулкига беғараз ўтказилади ҳамда давлат томонидан иқтисодиёт, ижтимоий таъминот, муҳофаза ва хавфсизликни молиялаштириш, давлат органларинимолиявий таъминлаш учун йўналтирилади.

Давлат солиқ тўловчиларга улар томонидан бюджетга киритилган маблағлар учун ҳеч қандай бевосита компенсацияларни бермайди, яъни солиқ тўловчи давлатга солиқ тўлаганда тўғрида-тўғри ҳеч қандай манфаат кутмайди.

Аммо солиқ тўловларининг беғаразлилик хусусияти давлат солиқларни олиб, уларни тўловчиларга муайян моддий неъматларни бермайди, деган маънони англатмайди. Солиқлар бошқа шаклда инсонларни ўзларига қайтарилади.

**Масалан**, бепул таълим олиш, тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к. учун маблағлар асосан давлат бюджетининг солиқлар ҳисобидан шакллантириладиган даромад қисмидан ажратилади.

Ҳар бир солиқ тўловчи учун давлатга тўланадиган солиқлар билан ундан олинадиган моддий неъматлар ўртасида кўринадиган алоқанинг йўқлиги солиқни унинг зиммасига тушадиган бир юк сифатида қараши учун сабаб бўлади. Айрим тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўлашдан қочиши, ўз даромадларини камайтириб кўрсатишга интилиши мана шундандир. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, солиқ тўлашдан бўйин товлаш асосан иқтисодий ривожланиши паст бўлган ёки инқирозга юз тутаётган давлатларда юқори даражада бўлади. Чунки бундай шароитда солиқ тўловчининг моддий аҳволининг оғирлашашига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, товар ёки хизматларга бўлган талабларнинг пасайиши ҳам сабаб бўлади. Ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши мамлакат иқтисодиётини ўсишига самарали таъсир кўрсатади.


Солиқ юридик моҳиятининг *мажбурийлик хусусияти* шундан иборатки, солиқ тўловчилар муайян шарт-шароитларда солиқларни тўлаши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига асосан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва

махаллий йиғимларни тўлашга мажбуриликлари ҳамда Конституциянинг 123-моддасида солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақли эканлиги ҳақида қоида белгиланган. Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, солиқларни тўлашга нафақат фуқаролар, балки юридик ва жисмоний шахслар мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси солиқлар билан бирга бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий қилиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда давлат бюджетига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, маҳаллий йиғимлар бошқа мажбурий тўловлар жумласига киради. Солиқлар мажбурияти тегишли органлар орқали давлат кучи билан таъминланади ва шу сабабли солиқларни тўлаш мажбурийлик хусусиятига эга. Поль Мари Годменинг фикрига кўра, “солиқ тушунчасида мажбурийлик элементи шунчалик буюкки, бу мажбурийлик хусусиятига эга бўлмаган тушумларнинг солиқ соҳасидан истисно этилишига олиб келади”.

Солиқларнинг муҳим юридик белгиси *уларни белгилаш ва жорий этиш тартиби* ҳисобланади. Солиқларни белгилаш ҳамда уларни ундириб олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда амалга оширилади. Шу муносабат билан қонунчиликда назарда тутилмаган ҳар қандай мажбурий тўловлар солиқ ҳисобланиши мумкин эмас. Бу биринчидан, солиқларни жорий қилиш Конституциянинг 78-моддасига кўра Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига киради. Иккинчидан, мазкур солиқлар Солиқ кодексида белгиланган бўлиши керак. Ҳеч кимнинг зиммасига Солиқ кодексида назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

Солиқларнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи яна бир белгиси шундан иборатки, уларни тўлаш орқали олдиндан қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда даромаднинг бир қисми давлат фойдасига ундириб олинади. Давлат давлатнинг бюджет тизими даромад қисмига ўтказиладиган солиқлар миқдори ва уларни тўлаш муддатларини белгилайди, қонунда белгиланган кўрсатмаларни бузган солиқ муносабатлари субъектларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўллайди. Солиқ қонунчилигига кўра солиқ ставкаси Солиқ кодексида ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Масалан, ҳар йили қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йил учун макроиктисодий

кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан солиқ ставкалари тасдиқланади.



Юқоридаги хусусиятлар 2007 йил 25 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мустаҳкамланган солиққа берилган таърифда ўз ифодасини топган.

Солиқлар деганда – Солиқ кодексига белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Тадбиркорлик субъектлари солиқлар билан бир қаторда давлат божи, давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар, божхона тўловлари ва бошқа йиғимларни ҳам тўлайдилар.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда эса – Солиқ кодексига белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Солиқлар воситасида давлат тадбиркорлик (бизнес) фаолиятига қуйидаги йўналишларга бевосита таъсир кўрсатади:

**Биринчидан**, тадбиркорлик (бизнес) фаолиятида юзага келадиган муносабатларни солиқлар воситасида бошқаради ва иқтисодий



муносабатларни назорат қилиш асосида тартибга солади, солиқ юкини тўловчилар ўртасида адолатли тарзда тақсимлаш, шу йўл билан тармоқ ва худудларни ривожлантириш, тадбиркорни қонуний фаолият натижасида даромад олиш ва солиқ мажбуриятларини бажарилишини таъминлайди;

**Иккинчидан,** бозор инфраструктурасини шакллантиради ва миллий иқтисодиётда инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлаш баробарида қулай иқтисодий шароитлар яратади, ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари асосида кўмаклашади. Солиқ тизими тадбиркорлик субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги керак. Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди;

**Учинчидан,** тадбиркорлик (бизнес) муносабатларида рақобат муҳитини яхшилайти, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва товар-молия бозорида ишлар ва хизматларнинг сони ҳамда сифатига таъсир этиш баробарида нарх сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказди;

**Тўртинчидан,** хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олади, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасини белгилаш баробарида жамиятда солиқ тўловчиларнинг солиқ борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалишини таъминлайди.

Умуман олганда, давлат солиқлар орқали тадбиркорлик субъектларига таъсир кўрсатар экан, бир томондан айрим тадбиркорлик субъектларига кенг имконият бериш мақсадида имтиёз ва преференциялар беради, истеъмолни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, даромадларини тартибга солади ва назорат қилади. Иккинчи томондан эса мазкур даромадлар орқали давлат

бюджетини шакллантиради ҳамда иқтисодий соҳани ривожлантириш дастурларни молиялаштиришга ҳам сарфлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқларнинг катта қисми тадбиркорлик субъектларидан ёки тадбиркорлик фаолияти натижасида ундирилади. Тадбиркорлик субъектлари аввало ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, кейин эса солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади. Давлат иқтисодий ривожланган сари солиққа тортиш усуллари ҳам ўзгариб боради, солиқ солиш объектларини аниқлаш, ҳисобини олиб бориш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ишлари хаамиша сифатли назорат қилинишни талаб қилади. Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиш жараёнларида, аввало иқтисодиётнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун кенг шароитлар яратиб берилмоқда. Уларга қўшимча кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар бериб келинмоқда. Бундай имкониятлар давлат томонидан олиб борилаётган солиқ сиёсати орқали амалга оширилмоқда.


Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримов солиқларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ қилиш борасида таъкидлаганидек, “Дастур доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир”.

### **Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини солиқлар воситасида бошқаришнинг функциялари ва асосий тамойиллари**

Биз юқорида тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатлари билан танишиб чиққанимизда солиқларнинг роли улар бажарадиган функциялар билан белгиланишини таъкидлаб ўтган эдик. Функция ушбу иқтисодий категориянинг қийматни тақсимлаш ва даромадларни қайта тақсимлаш воситаси сифатидаги ижтимоий вазифаси қай тарзда амалга оширилишини кўрсатади.

Солиқ функцияси унинг моҳиятини ҳаракатда намоён бўлиши ҳамда унинг хусусиятларини ифодалаш услуби тушунилади. Солиқларга фискал, тартибга солиш, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва назорат функциялари хосдир.

Солиқларнинг фискал функцияси улар табиатининг ўзи билан белгиланади, улар мажбурий тартибда ва беғараз давлат даромадига келиб тушади ҳамда давлат томонидан ўз харажатларини қоплаш учун ишлатилади. Фискал функция воситасида солиқларнинг бош ижтимоий вазифаси амалга оширилади - бюджет тизими ва бюджетдан ташқари жамғармаларда тўпланадиган давлат молиявий ресурслари шакллантирилади ҳамда улардан давлат ўз функцияларини бажариши учун фойдаланилади. Солиқларнинг фискал функцияси давлатга молиявий маблағларнинг асосий қисмини йўналтириш учун имкон беради.



Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган шароитда солиқларнинг тартибга солувчилик роли ошиб боради. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўз моделини ташкил этишнинг энг муҳим элементларидан бири ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри давлат бошқарувидан четга чиқиш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига, ўз хоҳиш ва мақсадлардан келиб чиқиб, шуғулланадиган фаолият ва ишлаб чиқариш турини танлашда эркинлик бериш ҳисобланади. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолиятининг тартибга солувчи бош дастакларидан бири солиқлар бўлиб қолади. Тадбиркор ўзи хоҳлаган фаолият турини қонуний амалга оширади ва ўз даромадларига эга бўлади. Фақат давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда тўла ҳажмда тўлашлари лозим. Солиқларнинг тартибга солиш функцияси шундан иборатки, солиқлар орқали давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти, ишлаб чиқариш, истеъмол ва даромадлари тартибга солинади.

Жумладан, солиқлар ёрдамида ишлаб чиқариш, масалан маълум бир ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёзларни белгилаш, истеъмол масалан, акциз солиғини жорий қилиш, аҳолининг даромадлари эса жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига нисбатан ўзгарувчан ставкани, яъни жисмоний шахсларнинг даромади ошиб бориши билан солиқ ставкасини ошиб бориши орқали тартибга солинади.

Солиқларнинг рағбатлантиш функцияси тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига, уларнинг самарали фаолияти юртишига кенг имконият яратиб беради.

Жумладан, айрим ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини солиқлардан озод қилиш, чет эл инвестицияси иштирокида корхоналарни маълум бир муддатга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни озод қилиш ёки маълум давр давомида ўзгармайдиган ставкада солиққа тортиш, тадбиркорлик субъектларини ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қанчалик кўпроқ экспортга йўналтирса, шунчалик кўпроқ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконига эга бўлади ва бошқалар.

Бу функция ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестиция фаолиятини кенгайтиришга имкон беради. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтирилади. Мазкур функция орқали ишлаб чиқаришни ривожлатирилиб, солиқ юқини кўпайтирмасдан давлат даромадаларини оширилишига эришилади ва тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

Солиқларнинг қайта тақсимлаш функцияси мавжудлиги шу нарса билан белгиланадики, “солиқ тизими ялпи миллий маҳсулотни қайта тақсимлашни амалга оширади ва бу билан у иқтисодий тузилмавий қайта қуриш, аҳолига ижтимоий кафолатларни таъминлашда бевосита иштирок этади”.

Солиқлар ёрдамида давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаси (даромади)ни, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун йўналтириб, қайта тақсимлайди. Энг юқори даромадларга солиқ солишнинг ўзгарувчан шкаласини белгилаб, энг кам иш ҳақининг бир бараварига бўлган даромаддан солиқ ҳисобланмайди. Даромад ошиб бориши билан солиқ ставкаси ортиб борadиган шкала асосида солиқ ундирилади. Солиқ солиш орқали “айрим ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги фарқларни камайтириб, йўқотиб бориш

мақсадида нисбатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий тенгликни кўллаб-қувватлаш"га эришилади.

Назорат функцияси солиқ функцияларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини, солиққа тортиладиган объектларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олиб борилиши, тегишли солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида, тўла ҳажмда бюджетга тўланиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиб борилади. Солиқ хизмат органларига томонидан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқлар функциялари доимий равишда ривожланиб боради ва бунда улар бир-бирига жуда боғлиқ бўлиб, бир вақтда амалга оширилади. Ушбу ҳолат улар ўртасида муайян қарама-қаршилиқларни ҳам юзага келтиради. Давлатнинг солиқларни кўпайтириш ёки ставкасини ошириш орқали молиявий маблағни кўпайтиришга бўлган интилиш солиқларни фискал функциясини оширади, лекин солиқлар қанча кўпайса, тадбиркорлик субъектларида фойда олиш мақсадида фаолиятига бўлган қизиқиши камаяди, яъни тартибга солувчи функциянинг самарадорлиги пасайиб боради. Демак, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш функциялари моҳияти ўртасида мувозанат бўлишига риоя қилиниши шарт. **Бир томондан**, улар бюджетга молиявий маблағларнинг кўп даражада келиб тушишини таъминлаши, **иккинчи** томондан эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. Бу қайишқоқлик солиқ сиёсати ҳисобланиб, солиқлардан тадбиркорлик тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида бир томондан, бюджет даромадлари тўлдирилишини таъминланади, иккинчи томондан эса, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантирилади, тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволини яхшиланади, тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга хизмат қилади. Бу сиёсатнинг ўзига хос хусусияти давлат ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳам зарар кўрмаслигидадир.

**Солиқ қонунчилигининг принциплари.** Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини унинг принципларида кўришимиз мумкин. Ҳар қандай давлат фаолияти сингари солиқ солиш ҳам маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга

оширилади. Солиқ тизими принциплари объектив қонунийликни аниқлашнинг ва ундан ақл-идрок билан фойдаланишнинг шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Агар солиқ тизими принциплари бузилса, у бевосита амалий вазифаларни хал этишга тўсқинлик қилади. Солиқ тизими принциплари турли-туман бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилик ҳужжатлари принциплари билан танишиб чиқамиз.

*Солиқ солишнинг мажбурийлиги.* Солиқ тўловчи – юридик ва жисмоний шахслар Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт (бу ҳолат конституциявий норма талабидан келиб чиқади). Солиқлар ҳам, бошқа мажбурий тўловлар ҳам албатта Солиқ кодексида белгиланган бўлиши лозим. Солиқ қонунчилигига асосан ҳеч кимнинг зиммасига мазкур кодексида назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

*Солиқ солишнинг аниқлиги,* яъни ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ билиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида асосан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади. Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди. Солиқ ставкаси тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Солиқ солишнинг адолатлилиги. Солиқ солиш умумий бўлиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

Масалан, якка тадбиркор А.Ахмедовга ёки “Шарқ” МЧЖни мол-мулк солиғи ёки бошқа солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилиш юзасидан имтиёз бериш мумкин эмас. Имтиёз маълум бир тоифани, масалан, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг ер солиғидан озод қилиниши ёки маълум бир ишлаб чиқарувчиларни, масалан, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарини фойда солиғидан озод қилиниши каби имтиёзлар белгиланган.

Солиқ тизимининг ягоналиги. Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги. Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси - солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Мазкур принцип “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг устуворлигини белгилаб

берувчи қоидага ўхшайди. Яъни тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.



**Тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқлар**



Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқларнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектларидан ёкитадбиркорлик фаолиятдан ундирилади. Амалдаги солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни асосий қисмини тадбиркорлик субъектлари тўлайдилар. Нотижорат ташкилотлар асосан солиқ тўламайдилар, лекин тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган бўлсалар, тадбиркорлик фаолияти натижасида олган айрим даромадлари, тадбиркорлик мақсадида фойдаланган ер участкалари, мол-мулклари ва хизматлар учун солиқ тўлайдилар. Қуйида тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган

Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

***Солиқлар таркибига қуйидагилар киради:***

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;

***Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:***

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:  
ягона ижтимоий тўлов  
автотранспорт йиғимлари
- 2) давлат божи;
- 3) божхона тўловлари;
- 4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

***Белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:***

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Тадбиркорлик субъектларининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган фаолият бўлганлиги учун олган фойдаларидан фойда


солиғини тўлайдилар. Тадбиркорлик субъектлари мол-мулк, ер солиғини, шунингдек амалга оширадиган фаолият турларидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотидан қўшилган хизмат солиғини, акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда ва божхона худудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилганда акциз солиғини, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа солиқларни тўлайдилар. Улар солиқлар билан бирга юқорида санаб ўтилган бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлайдилар.

Мисол учун “Хумо” МЧЖ қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотларни етказиб берувчи корхона сифатида фаолият юритида. Корхона солиқ тўловчи сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди. Лекин агар “Хумо” МЧЖ кичик корхона сифатида фаолият юритаётган бўлса у ҳолда юқорида кўрсатилган умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлаши мумкин. Яъни солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда солиқ тўлашга ўтиши мумкин.

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимида ўтишни қўллаш тўғрисида”ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимида ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий

эканлиги қатъий белгиланди. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада корхона ҳисобчиларининг иши бирмунча осонлашди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутди.



Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади: тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи (СК 165-модда); назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи (СК 207-модда); акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, божхона тўловлари, ягона ижтимоий тўлов, давлат божлари, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини

ва ягона ер солиғини тўловчилар бундан мустасно); автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Ягона солиқ тўловчилар – микрофирмалар ва кичик корхоналар, ходимларнинг сонидан қатъи назар: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари; лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар, оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - якка тартибдаги тадбиркорлардир. Микрофирмалар ва кичик корхоналар, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли. Ходимларнинг сонидан қатъи назар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар ҳамда оилавий корхоналар эса фақат ягона солиқ тўловини тўлаб, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Масалан, “Макро” АЖ, “Корзинка” МЧЖ каби савдо фаолиятини амалга оширувчи ҳамда “Новвот” МЧЖ умумий овқатланиш корхоналар фақат ягона солиқ тўловини тўлаб, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга ҳақли эмаслар. “Азиза” МЧЖ кийим-кечак ишлаб чиқарувчи микрофирма эса ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Аввалги мавзуларда таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларининг энг кўп тури якка тартибдаги тадбиркорлардир (ЯТТ). Биз қуйида ЯТТ томонидан тўланадиган солиқларни таҳлил қиламиз. ЯТТ қатъий белгиланган солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Солиқ кодексининг 373-моддасига асосан ЯТТлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар: божхона тўловлари, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда, акциз солиғи – акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, давлат божи, автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига

йиғим.Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Солиқ қонунчилигига асосан агар ЯТТ ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади. Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ЯТТ солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда топширади. Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ЯТТнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот ЯТТ ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ЯТТнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари ЯТТ ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

ЯТТ зиммасига унинг ҳар бир ходими учун ЯТТ томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.ЯТТ фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширган тақдирда, ЯТТнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг тегишли турлари учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқнинг энг юқори ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.ЯТТ солиқ солиш мазкур фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, ЯТТнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ битта физик кўрсаткич учун ойига ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

ЯТТ касб-ҳунар коллежи битирувчиси бўлган ходими учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан ушбу ходим коллежни тамомлаганидан

этиборан ўн икки ой мобайнида озод этилади. Агар ЯТТ қатъий белгиланган солиқни тўлашдан қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча озод этилса, мазкур имтиёз ЯТТнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ тўлашга ҳам татбиқ этилади.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, мажбурий тартибда ЯТТлар томонидан – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, ЯТТлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан – ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзолари томонидан (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўланади.


Солиқ ставкаси ҳар йили кейинги молия йил учун тасдиқланадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида белгиланади.

Қуйида юридик шахс ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оилавий корхона ва юридик шахс ташкил қилмасдан оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқ тураларини таҳлил қиламиз.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 351-моддасига асосан белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлиб ҳисобланади ҳамда оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик

субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси қатъий белгиланган солиқни тўловчиси бўлади.



Бундан ташқари Солиқ кодексининг XXI бўлимида солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, оддий ширкат шартномаси шеригида (иштирокчисида) биргаликдаги фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, деҳқон хўжаликларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, бозорларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики солиқ тўловчиларга солиқ тўлашларида энгиллик бериш ҳамда уларни солиқ тўлашларини соддалаштириш мақсадида солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими ҳамда айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг ўзига хос

хусусиятлари солиқ қонунчилигида белгилаб қўйилган. Бу тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар, шунингдек айрим тоифа солиқ тўловчиларга бир мунча қулайлик яратади ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида келиб тушишини таъминлайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини қандай турдаги солиқларни тўлашади?
2. Якка тартибдаги тадбиркорни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Тўғри ва эгри солиқларни таққосланг?
4. Қўшилган қиймат солиғини тўлашда қандай ўзгаришлар бўлди?
5. Янги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси лойиҳаси ҳақида нималар биласиз?

### **7-мавзу: Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати**

#### **Режа:**

1. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси ва аҳамияти.
2. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда давлат органларининг асосий вазифалари.
3. Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш учун асос ва уни ўтказиш тартиби.
4. Давлат назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбурияти.

***Таянч сўзлар:** назорат қилиш, текшириш, муқобил текшириш, давлат органи, хўжалик юритувчи субъект.*

### **Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси ва аҳамияти**

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлар ва хорижий инвесторлар фаолияти эркинлигини таъминлашга қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиб, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда.



Тадбиркорлик фаолияти субъектлари устидан давлат назоратини амалга ошириш айрим давлатлар қонунчилигида кўпроқ либерал ёндошилади. Бу кўпроқ Европа Америка давлатлари қонунчилигига хосдир. Ушбу давлатларда давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларини бевосита эмас балки билвосита яъни электрон тизим орқали олиб борилади<sup>21</sup>. Тўғри ушбу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг қонунга риоя қилаётган ёки қилмаётганлигини аниқлаш имконияти чекланиши мумкин. Лекин одатда электрон тартибда риоя қилган ҳолда текшириш натижасида тадбиркорлик субъекти нотўғри маълумот берган тақдирда қонунда нисбатан ўзида қаттиқ жазолаш турини намоён этади<sup>22</sup>.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;  
идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини  
давлат томонидан назорат қилишнинг асосий  
принциплари қуйидагилардан иборат

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва  
ошкоралик

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний  
манфаатларини ҳимоя қилиш

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик

<sup>21</sup> U

<sup>22</sup> Q

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва ушбу Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади.

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертлар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хулосасининг тўғрилиги ва унинг Қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

### **Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда давлат органларининг асосий вазифалари**

Жамиятимизда тадбиркорлик муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётгани юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга замин яратмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини назорат қилишда тегишли давлат органларининг вазифаси улар фаолиятига тўсиқ бўлиш уларнинг у

ёки бу имкониятини асосиз тўхтатиб қўйишга қаратилмаган бўлиши лозим<sup>23</sup>. Бундан асосий мақсад тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб –қувватлаш тегишли ҳуқуқий-амалий ёрдам беришдан иборат бўлиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектларини текшириш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ қонун ва қонуности ҳужжатларининг ҳаддан ташқари кўплиги шу билан бирга уларда белгиланган қоидаларнинг бир-бирига зид келиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳамда ушбу қонунчиликни қўлловчи тегишли давлат орган вакилларининг тегишли билим ва кўникмага эга бўлмаганлиги сабабли тадбиркорлик фаолияти субъектларига зарар етишига сабаб бўлмоқда.

Махсус ваколатли давлат органнинг асосий  
вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш

назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик

### **Тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш учун асос ва уни ўтказиш тартиби**

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ режали ва режали текширишларга бўлинади.

<sup>23</sup> In the Matter of Chrysler Corporation, United States Environmental Protection Agency, Before the Administrator, pp. 99-100

Мазкур ҳолатда таснифлаган ҳолда белгилаш тадбиркорлик субъектларининг тегишли тартибда белгиланган муддатда текширишни ўтказиш ва тегишли ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда фаолияти олиб боришни ҳисобга олган ҳолда таснифланади. Мазкур тартиб аксарият давлатлар қонунчилигида белгиланган. Масалан Германия, Англия, Швеция давлатларида режали ва режадан ташқари текшириш тартибида амалга оширилади<sup>24</sup>. Лекин юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, режали текшириш тегишли тартибда электрон тизим орқали амалга оширилади. Режадан ташқари текшириш эса тегишля давлат органи томонидан тадбиркорнинг қайси қонун ҳужжати бузган бўлса шу нуқтаи назардан текширилади. Бошқа фаолият тури текшириш объекти ҳисобланмайди<sup>25</sup>.

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан молия-хўжалик фаолиятини текширишлар учун қуйидагилар асос бўлади:

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

---

<sup>24</sup> The Wall Street Journal, Dec. 13, 1976, A-4, col. 2

<sup>25</sup> Inside EPA, Apr. 8, 2014, at 14.

Тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Лекин, бундай ҳолатда айрим давлатлар қонунчилигида агар солиқ тўловчи солиқ тўлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бузган ва ҳуқуқни бузган шахс ушбу ҳуқуқбузарликни тегишли давлат органи томонидан текшириш ўтказилмасдан тан олган ва етказилган зарарни қоплаган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказилмайди<sup>26</sup>.

Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг-юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак.

Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади.

**Текширишлар даврийлиги.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат

---

<sup>26</sup> The New York Times, Dec. 2, 2010, at 1, col. 3.

тўғрисида”ги Қонуннинг 10<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 10<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

**Текширувлар муддатлари.** Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган текширишни ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текшириладиган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Текшириладиган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текшириладиган хўжалик юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилади. Текшириладиган хўжалик юритувчи субъект мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда, далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириладиган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текшириладиган хўжалик юритувчи субъект текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани

(маълумотномани) олишдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

### **Давлат назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбурияти**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини текшириш ва улар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ваколатли давлат органларининг тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларида муайян ҳуқуқ ва мажбурияти кўрсатиб ўтилади. Тадбиркорлик фаолиятини текшириш ва назорат қилиш билан боғлиқ назорат органларининг энг муҳим вазифаси ўз ваколати доирасидан кетга қилмаслик ва уларнинг фаолиятини уларга тўсиқ бўлмайдиган ҳолда текширилиши лозим бўлади. Айрим ҳолатларда тегишли давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти тўсиқ бўладиган тарзда аралашини ҳолатлари улар фаолиятига ҳалақит берадиган қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Айрим давлатларда ушбу ҳолатга йўл қўйганлик учун ушбу мансабдор шахсининг ўз лавозимидан озод қилиш билан чекланмасдан уларга етказилган зарар учун уни қоплаш мажбурияти юкланади<sup>27</sup>.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишини;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

---

<sup>27</sup>Inside EPA, May 7, 2011, at II. See also Reed, "New BAT Standards: Lowering The Ceiling or Raising the Floor?" Environmental Law Reporter 13 (January, 2010), 10002.

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаган куни текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхасини олиш.

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, махсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.



Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

текширишларни қайд этиш дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширишлар натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшириш тугаган куни текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда қолдириш;

ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

### **Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

#### **РЕЖА:**

1. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг зарурияти.

2. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими.

3. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш.

4. Хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч сўзлар:** Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг зарурати. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш. Тадбиркорлик субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг зарурияти**

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу сабабли,

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг қамровлик асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадбиркорлик қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади.

Ҳуқуқий ҳимоя юксак даражада юридик таъминланган. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими энг аввало тадбиркорларни фаоллигига таянади. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан энг аввало ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл қўйилган барча воситалардан (ўзини–ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усуллари қўллаш ва ш.к.) фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хоҳламаса (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига эга. Бу тузилмалар ичида адлия идоралари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.


Адлия органлари текширишлар давомида тадбиркорларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган фактлари аниқланган ҳолларда судларга ва хўжалик судларига тегишли даъво аризалари билан чиқадилар ва айблардан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш талабини қўядилар.

Англияда тадбиркорларни ҳимоя қилишнинг бир неча усуллари мавжуд. Бу усуллар тадбиркорларни давлат томонидан, нодавлат ташкилотлар ва ўз-ўзлари томонидан ҳимоя қилишни назарда тутди.<sup>28</sup>

Англияда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари 1990 йилдаги Судлар ва ҳуқуқий хизмат ҳақидаги қонун ва 2007 йилдаги Ҳуқуқий ёрдам ҳақидаги қонун билан тартибга солинади.<sup>29</sup>

### **Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими**

Давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлган ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳам мавжуд бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таркибий қисмидир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларни манфаати тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши мумкин. Бироқ бу ўринда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқий низоларни ҳал этиш тизими билан бир хил, айний деган тасаввур туғилмаслиги лозим. Ҳуқуқий ҳимоя тизими гарчи муайян ҳолатларда ҳуқуқий низоларни ҳал этиш тизими билан туташса ҳам ҳуқуқий майдонда ўзига хос нисбий мустақил сегмент сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ субъектларини ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нормал амалга оширишини таъминлаш, уларни ҳар қандай бузилишлардан ва тажовузлардан сақлаш мақсадида қўлланиладиган, ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилган юридик таъсир чораларини ва уларнинг амал қилишини таъминловчи институционал, процессуал нормалар мажмуидан иборат.



<sup>28</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, 330 p

<sup>29</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, 45 p.

Ҳуқуқий ҳимоя тизими ўз таркибига кўра қуйидаги элементлардан иборат:

*а) ҳимояланувчи субъект томонидан қўлланиладиган юридик таъсир чоралари;*

*б) ҳуқуқий ҳимоя тизимини институционал тузилмалари ҳам ҳуқуқий ҳимояни қўлланиши ва самарали амалга оширилишини таъминлайди;*

*в) ҳуқуқий ҳимоя тизими таркибида процессуал воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.*

Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳар қандай ҳуқуқ тизими – оиласида (англо-саксон, қитъа, мусулмон ва ҳатто патриархал ҳуқуқ оиласида ҳам) мавжуд. Ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг маънода ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимига таянади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ундан фойдаланувчи субъектлар доирасига қараб умумий ва махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимларига табақаланади.

Ушбу субъектларни барчаси ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилиш имкониятларига эга бўладилар. Албатта, амалда кўпроқ ундан фуқаролар ва юридик шахслар доимий равишда фойдаланадилар.

Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимининг асосий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муайян даражада ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг 13-моддаси (демократик ҳуқуқ ва эркинликлар қонун билан қўриқланиши), 8-моддаси (тенг ҳуқуқлилик), 19-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги), 20-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш шартлари), X-боби (ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатлари) шулар жумласидандир. Умуман олганда, Конституциянинг жуда кўп нормаларида субъектларни муайян ҳуқуқлари ва эркинликлари ёки уларни таъминлаш кафолатлари мужассамланган.

Давлат кучли ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимини яратиш, уни ташкилий – ҳуқуқий ва норматив таъминлаш орқали умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимини доимий ва узлуксиз ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Барча субъектлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ва истисноларсиз ушбу тизим имкониятларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланувчилар аҳолини элита қисми сифатида баҳоланмайди. Улар аҳолини бошқа қатламларига мансуб кишиларни ҳуқуқларини камситилиш, ерга уриш эвазига қўшимча имтиёзларга эга бўлмайдилар. Аксинча, масалан, вояга етмаганлар ва

ногиронларга алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизими жорий этилмаса, у ҳолда улар бошқа кишиларга нисбатан имкониятлари чекланганлиги сабабли ноқулай аҳволга тушиб қолган булур эди.

Шу маънода махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ тартиботнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди ва унинг ташкилий механизми яратилди.

Бу тизимда *тадбиркорнинг шахси* ҳам муҳим ўрин тутди. Биринчи галда тадбиркор ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини англаб етган бўлиши ва ҳуқуқий саводхон бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун қандай тизим яратилмасин, у самарали фаолият кўрсата олмайди. Аслини олганда, тадбиркор ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмаса ундан қандай фойдаланишни ҳам, уни қандай ҳимоя қилишни ҳам, ва ҳатто, ҳуқуқи бузилган ҳолларда ўз ҳуқуқлари бузилганлигини ҳам англаб етмайди. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан, энг аввало, ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл қўйилган барча воситалардан (ўзини-ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усулларини қўллаш ва ш.к.) фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хоҳламаса (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфаатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ. Англияда ҳам тадбиркорлик субъектларининг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш механизми ривожланган.<sup>30</sup>

Сўнги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди: матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, рисоалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ташвиқот воситалари тайёрланди ва аҳоли ўртасида тарқатилмоқда. Улардан тадбиркорлар ўзлари учун зарур барча фойдали маълумотларни олишлари мумкин.


Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими *кенг қамровлилик* асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадбиркорликда

---

<sup>30</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.330.

қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоя тизими нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёки суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи орқали, балки давлат ва нодавлат, суд ва носуд тузилмалар орқали ҳам амалга оширилади.

Ҳуқуқий ҳимоя **юксак даражада юридик таъминланган**. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.



Бунинг маъноси шундаки, тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, фаолиятини амалга ошириш ва бекор бўлиш жараёнларининг ҳамма босқичида ҳуқуқий ҳимоя мавжуд бўлади, масалан, тадбиркорлик субъектини рўйхатга олишни рад этганлик учун судга шикоят қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлар фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашувлардан ҳимоя қилиш тартиби ва ниҳоят, тадбиркорлик субъектларини банкрот деб топиш асослари ва тартиби (аслини олганда банкротлик ҳам ҳимоя тизимига киради, яъни якка тартибдаги тадбиркорни муайян асосларга кўра кредиторлар олдида жавобгарлигини бекор бўлишига олиб келади ва ҳ.к.).

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган **ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига** эга. Бу тузилмалар ичида адлия органлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат органлари (суд, прокуратура, адлия, туманлар ва вилоятлар ҳокимликлари) ва нодавлат тизимлари ( савдо-саноат палатаси, фермер хўжаликлари уюшмаси) баб-баравар фаолият кўрсатадилар.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб *тадбиркорлик, хўжалик юритишни ҳуқуқий таъминлаш* ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, кўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.). Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга. Низоларни ҳал этишнинг давлат тизимида хўжалик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. Тадбиркорлик субъектлари даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда хўжалик судлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари изчиллик билан жорий этилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни масофавий амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга уларни вақтини ва маблағларини тежаш натижада тадбиркор ўз фаолиятини тўлақонли шуғулланиши учун шарт-шароит яратилади. Англияда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳам шуғулланиши мумкин.<sup>31</sup>

Конституция ишлаб чиқилган ва қабул қилинган шарт-шароитларда мамлакат иқтисодий ривожининг стратегик мақсади, яъни бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш аниқ ва равшан белгилаб қўйилган эди. Бироқ ушбу иқтисодий тизимни барпо

---

<sup>31</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.345..

этиш йўллари, давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлатни иқтисодиётга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари ҳали мукамал ишлаб чиқилмаган эди. Мана шундай шароитда Конституциянинг XII-боби жамиятни иқтисодий негизи тўғрисида конституциявий нормаларни ўзида мужассам этди. Бугунги кунда ушбу нормалар мазмунини таҳлил этар эканмиз, уларни ниҳоятда заргарона аниқлик билан белгиланганлигини эътироф этиш лозим.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий негизининг асосида ётади. Худди шу сабабли ҳам Асосий Қонунимизда мулк муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор *конституциявий принциплар* белгилаб қўйилган. Биринчи галда *Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этиши* белгилаб қўйилган. Демак, бундан мамлакатимизда қандайдир мулк шаклини танҳо ҳукмрон мавқега эга бўлмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўринда Конституцияда мулк шакллари санаб чиқилмайди, уларнинг рўйхати белгилаб қўйилмайди. Бу эса келгусида истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган у ёки бу мулк шаклларига тўсиқлар қўйишни истисно этилишини англатади. Конституцияда шунингдек, *барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилиши кафолатланиши тўғрисида конституциявий принцип* ўз ифодасини топган. Ушбу принцип шунчаки декларатив характерга эга бўлмасдан, кейинчалик фуқаролик қонунларида янада ривожлантирилди ва муайянлаштирилди. Давлат – мулкдор, давлат мулки яъни оммавий мулк мулкнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Бироқ давлат на сиёсий ҳокимият субъекти сифатида, на қонун чиқариш ҳокимиятини соҳиби сифатида ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда оммавий мулк учун алоҳида имтиёзли ҳолатни белгилаб бермайди. Аксинча барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолати сифатида намоён бўлади.

Иқтисодиётда хусусий сектор субъектлари тадбиркорликни асосий субъектлари сифатида намоён бўлиши табиий. Бундан эса, хусусий мулкни жамият иқтисодий негизини ривожлантиришда, бозор тизими ва тадбиркорликни таракқий этишида асосий моддий-мулкий манба бўлиши тўғрисида хулоса келиб чиқади. Демак, қонун чиқарувчи томонидан Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмида хусусий мулкка урғу



берилиши ҳар жиҳатдан ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлган. Навбатдаги **конституциявий принцип** мулк дахлсизлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва бошқа қатор қонунларда мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари ва тартиби батафсил белгилаб қўйилган. Мулкдор ҳар қандай ҳолатда эмас, балки ўзининг ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлари ёки жамият манфаатлари тақозосига кўра, муайян чекланган ҳолатлардагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий қонунимизда мулк ҳуқуқини мазмуни ва мулкдор ваколатларини амалга ошириш чегараси белгилаб қўйилган. Мулкдор ваколатлари, энг аввало, ўз мол - мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилишда намоён бўлади. Бироқ, мулкдор ваколатлари мутлақо чегарасиз эмас. Мулкдор ўз мол -мулкидан фойдаланиш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа субъектларни ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Англияда тадбиркорларга етказилган моддий зарар жиноий жавобгарликни истисно этади.<sup>32</sup>

Конституцияда жамият иқтисодий негизлари билан боғлиқ яна бир **конституциявий принцип бу - иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги принципи** ҳисобланади. Иқтисодий фаолият эркинлигининг моҳияти шундан иборатки, фуқаролар ва юридик шахслар қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу иқтисодий фаолиятни амалга оширувчиси томонидан фойда олиш мақсади кўзда тутилса тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Агарда бундай мақсадни кўзламаса ҳайрия, биргаликдаги фаолият ва шу каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги фуқаро ёки тижоратчи юридик шахсга қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият соҳаси бўйича тадбиркорликни амалга ошириш имконини беради. Бироқ ҳар қандай иқтисодий фаолиятни, тадбиркорликни ва меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз фаолияти натижаларидан баҳраманд бўлувчи **истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини** унутмасликлари лозим. Бозор шароитида ҳар қандай меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий фаолият пировард натижаси истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳисобланди. Бинобарин, ушбу тамойилни давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда қатъий амалга ошириши

---

<sup>32</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.331.

шарт бўлган ўзига хос *конституциявий принцип* сифатида эътироф этиш ўринли бўлур эди. Юқоридаги *конституциявий принциплар* иқтисодиётни тартибга солувчи ҳар қандай қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ётувчи асосий раҳбарий қоида бўлиб қолиши, уларни Конституцияга тўлиқ мувофиқлигини таъминловчи асосий юридик шарт ҳисобланади.

### **Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш**

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб тадбиркорлик, хўжалик юритиш фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, кўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.).

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини батафсил ҳуқуқий тартибга солинганлиги жуда муҳим ижобий ҳолат ҳисобланади. Айни вақтда бу борада барча муаммолар ҳал этилган деб айтиш қийин. Афсуски, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив массивда аксарият кўпчилик турли идоралар меъёрий ҳужжатлари ташкил этади. Одатда қонунларда мустаҳкамланган норматив умумий йўналиш билан идоравий манфаатлар мустаҳкамлаб қўйилади, бу эса холислик, адолат, оқилоналик, инсофлилик каби умумий тамойиллар мазмунига ҳар доим ҳам тўла мувофиқ келавермайди.

Шу сабабли ҳам келгусида хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда идоравий меъёрий ҳужжатлар (Марказий Банк, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси

каби идоралар чиқарган ҳужжатлар) ўрнига қонунлар билан тартибга солишга кенг ўрин бериш лозим.

Низоларни ҳал этиш давлат тизимида хўжалик-тадбиркорлик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. Кўп ҳолларда давлат идораси қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Хўжалик–тадбиркорлик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодий соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий Иқтисодий суд ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий судларни иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги, тезкорлиги билан ажралиб туради (масалан, суд буйруғи тартибининг мавжудлиги). Хўжалик юритувчи субъектлар даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги хўжалик қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади.

Масалан, талабнома билдириш тартибида низоларни ҳал этишга йўл қўйилади. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-18-моддаларида талабнома билдириш орқали хўжалик низоларини ҳал этиш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари тарафлар келишув битими тузиш, низони ҳакамлар судига бериш орқали ҳам ҳал этишлари мумкин. Ҳакамлар судининг қарори давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади, шунингдек муайян асослар мавжуд бўлган тақдирда ушбу қарор устидан судга (Иқтисодий суд га) шикоят қилиш мумкин. Англияда низоларни муқобил усулларда ҳал қилиш усуллари жуда ривожланган.<sup>33</sup>

---

<sup>33</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.64.

Бунда албатта ҳар қандай низолар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида йўл қўйилган низолар хорижий давлатлар судларида ёки халқаро арбитражида кўриб ҳал этилиши мумкин (масалан, банкротлик бўйича ишлар, давлат бюджет олдидаги мажбуриятлар билан боғлиқ низолар, хорижий юрисдикция бўла олмайди.)

Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимида Савдо-саноат палатаси муҳим ўрин эгаллайди. Савдо-саноат палатаси тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган ноижорат ташкилотидир. Палата Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишига кўмаклашиб, бозор инфраструктурасини яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорнинг фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади. Палата ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги 713-II-сонли «*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида*»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини асосида амалга оширади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик тузилмалари хусусан фермер хўжалик ҳуқуқий ҳимоя тизимида Фермер хўжаликлари кенгашлари мурим ўрин эгаллайди. Улар ўз фаолиятларини «*Фермерлар кенгаши тўғрисида*»ги *Уставга* мувофиқ амалга оширади.

### **Хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари**

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимининг марказида тадбиркор билан унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат хизматчиси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва инсофга асосланган қонуний муносабатларни вужудга келтириш ва уни доимий барқарор равишда сақлаб туриш ётади. Бу вазифа анча мураккаб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнгинга қарши, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралаштишга ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чоратadbирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралаштиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Англияда Омбудсман тadbиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан ҳам шуғулланади.<sup>34</sup>

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимини яна бир бўғини – бу хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат бўлинмалари ҳисобланади. Айниқса хўжалик шартномалари тузишда юридик хизмат бўлинмалари фаол иштирок этади. Агар тadbиркорлик субъекти ўз юридик хизматига эга бўлмаса (масалан, якка тadbиркор, фермер хўжалиги ва х.к.), у ҳолда улар ҳақ эвазига юридик хизмат

---

<sup>34</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.66.

кўрсатиш шартномалари орқали адвокатлар хизматидан фойдаланишлари шарт.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз юридик хизмати бўлиши унинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкилий таъминловчи қафолат ҳисобланади. Юридик хизмат бўлинмалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча йўналишларида ва саналарида, барча босқичлар узлуксиз ва доимий равишда, биринчидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини қонунийлигини, ўз манфаатларига мослигини таъминласа, иккинчидан, бошқа ҳар қандай субъектларни хатти-ҳаракатлари унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф бўлмаслигини кузатиб боради ва зарур ҳолларда тегишли ҳуқуқий ҳимояни ташкил этади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизими миллий қонунчилигимизнинг алоҳида комплекс институти бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда уларга берилган имтиёзлар, енгилликлар, афзалликлар, алоҳида қафолатлар, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган давлат ва нодавлат органларининг махсус ваколатларини, хўжалик – тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг алоҳида тартибини ўз ичига олади.

### **Назорат саволлари:**

1. Чет эл инвестицияси иштирокчидаги хорижий корхоналарни давлат томонидан режали текшириш тартибини ёритиб беринг.

2. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва улар фаолиятини текшириш тушунчаларининг ўзаро нисбати ва унинг ҳуқуқий таҳлилини айтинг.

3. Солиқ органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларини режали текшириш тартиби ва муддатлари ва уни истисно қилувчи ҳолатларни айтинг.

4. Тадбиркорлик фаолиятини қонунга зид равишда текширилганлик учун прокуратура органларининг хатти-ҳаракатларини тушунтиринг.

5. Тадбиркорлик фаолиятини қонунга зид текширилганлик учун уларга етказилган зарар ва уни қоплаш тартиби қандай?

6. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини тушунтиринг.

7. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органларни таснифланг.

8. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмини ўрнатовчи норматив-ҳужжатларни ажратинг ва уларнинг мазмунини таҳлил қилинг.

9. Нодавлат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2-амалий машғулот. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда ҳозирда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ва усуллари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

### **Амалий машғулот топшириқлари:**

1.Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш соддалаштирилмоқда. Лекин, ҳалигача баъзи тадбиркорлик субъектларининг, айнан масъулияти чекланган ва акциядорлик жамиятларининг устав фонди минимал миқдорига қўйилган талаб юқориликча қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса давлат тадбиркорлик субъектларига бундай талаблар қўймаган. Ушбу жамиятлар устав фондининг моҳиятини ёритинг, устав фонди минимал миқдорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан фикр билдиринг?

**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

2.Маълумки, республикамызда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, ташкил этиш соҳасида ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Шу боис миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида корпорацияларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини таҳлил қилинг.

**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

3.Акциядорлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказишда қайси органларга мурожаат қилиниши ва қандай ҳужжатлар тақдим этилиши кераклигини тегишли нормалар асосида таҳлил қилинг.

**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

4.Юридик шахс ташкил этган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг устав фонди миқдорини ва таркиби масалаларини тегишли нормалар асосида муҳокама қилинг. Мисоллар келтиринг.



**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**  
**3-амалий машғулот: Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалаларини ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларда назария ва амалиёт бирлигига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишда интерфаол усулларни амалий мисоллар ёрдамида қўллашдан ҳамда тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишда кейс-стади дарс ўтиш методининг моҳияти ва афзалликларини кўрсатишдан иборат.

**Ишни бажариш учун намуна:** тингловчидан тадбиркорлик соҳасида қўлланиладиган шартномалардан бири ўқитувчи томонидан танланади ва қуйидаги андозада тузиб берилиши сўралади.

**1-топшириқ:** Шартнома бўш қолдирилган қаторларни тўлдилинг.

\_\_\_\_\_ -СОҢЛИ \_\_\_\_\_ ШАРТНОМАСИ

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ шаҳри

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**2. ТОВАР БАҲОСИ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**3. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАРЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

---

---

---

---

---

---

**6. ТАРАФЛАР МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

---

---

---

---

---

**7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

---

---

---

---

---

**8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

---

---

---

---

---

---

**9. БОШҚА ШАРТЛАР** *(тўлдириши ихтиёрий)*

---

---

---

---

---

---

---

**9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

---

---

**10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ** *(тўлдирманг)*

**ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
шаҳри

\_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

\_\_\_\_\_:

**2-топшириқ.** Ушбу топшириқда исталган бир шартнома қисм ва бандларининг номерлари ўчирилади ва қоғозда 4 нухсада чоп эти талади. Сўнг энг кичкина бўлақларга, албатта қонданинг жумла сифатида маъносини сақлаган ҳолда бўлинади (қайчида кесилади). Ва тўртта кичик гуруҳга уларни бирлаштириш учун тақдим қилинади. Кичик гуруҳлар томонидан скотчда бирлаштирилади. Шартноманинг оригинал варианты эталон қилиб олиб (проектор воситасида) муайян гуруҳ ишлари бошқаси томонидан текширилади.

Ўқитувчи томонидан баҳоланади.

#### **4-амалий машғулот: Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалаларини ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларда назария ва амалиёт бирлигига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишда интерфаол усулларни амалий мисоллар ёрдамида қўллашдан ҳамда тадбиркорлик-ҳуқуқий фанларни ўқитишда глоссарий методининг моҳияти ва афзалликларини кўрсатишдан иборат.

**Ишни бажариш учун намуна:** тингловчидан ташқи иқтисодий фаолиятда ишлатиладиган атамаларнинг мазмунини ёритиб бериш учун глоссарий тузиш сўралади.

**Экспорт** — Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортдир.

**Импорт** — Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши товарлар импортдир.

## **5-амалий машғулот: Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари**

1. “Тулпор” ОАЖ директори хизмат сафаридалигида унинг шартномалар тузишга ишончномаси бўлган ўринбосари мустақил равишда, кузатув кенгаши билан келишмасдан 50 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажаришга “Сардор” МЧЖ билан шартномани имзолади, ўринбосар “Сардор” МЧЖнинг устав фондида 30 фоизлик улушга эга. “Сардор” МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамига 25 млн сўм бўнак ўтказилди.

Сафардан қайтгач, раҳбар пудрат шартномасини бекор қилишни талаб қилди, чунки унда пудрат ишлари суммаси ошириб юборилган эди. “Сардор” МЧЖга бир неча бор хат ёзилди. Бироқ “Сардор” МЧЖ раҳбарияти шартномани бекор қилишдан бош тортди.

***Бундай ҳолатда қандай қилиб шартномани бекор қилиш мумкин?***

2. “Омилкор” фермер хўжалиги Агробанкдан 25 000 000 сўмлик кредит олган. Унга мажбуриятни таъминлаш усули сифатида 2011 йил 16 февралда “Келажак” ОАЖ томонидан имзоланган 3-сонли кафиллик шартномаси илова қилинган.

Бироқ, мазкур фермер хўжалиги фермер хўжаликларини оптимизация қилиш натижасида бошқа фермер хўжалигига кўшиб олинган. Фермер хўжалигининг маблағи ва мол-мулки мавжуд эмаслигидан хабар топган Агробанк кредит бўйича қарздорликни кафил бўлган ОАЖдан ундириш чораларини кўришни бошлаган.

Бироқ, ОАЖ ушбу кафиллик шартномаси тузилган пайтда жамият активлари баланс қийматининг 25 фоизидан ортиқ суммани ташкил қилганлиги учун мазкур шартномани тузишда ОАЖ кузатув кенгашининг (розилиги) қарори олиншини асос сифати келтириб, Агробанк талабларини рад қилган. Шунга кўра ОАЖ 2011 йил 16 февралдаги 3-сонли кафиллик шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланишини таъкидлаган.

***Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва қонуний ҳал қилинг.***

3. “Динамо СК” ОАЖ активларининг баланс қиймати 10 млрд. сўмни ташкил қилади. Янги спорт майдончаси қуриш ва у ерга тегишли ускуналар сотиб олиши учун “Динамо СК” ОАЖ раҳбари банкдан 7 млрд. сўм миқдорда кредит олиш учун ариза билан мурожаат қилди. Аризага

бошқа ҳужжатлар билан биргаликда “Динамо СК” ОАЖ кузатув кенгаши қарорини ҳам илова қилди. Бироқ банк ушбу кредит суммасини беришни рад этди.

*Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ҳуқуқий ҳал этиш тартибини тушунтиринг.*

#### **6-амалий машғулот: Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш**

1. Б.Рамазонов Якка тартибдаги тадбиркор сифатида Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 1 июлда давлат рўйхатига олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 630-сонли қарорига асосан Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2010 йил 24 декабрдаги қарорига асосан ЯТТ Б.Рамазонов давлат реестридан чиқарилган.

Бухоро шаҳар ДСИ хўжалик судига мурожаат қилиб, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2010 йил 24 декабрдаги қарорини бекор қилишни сўраган.

*Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш асослари ва усуллари қандай?*

2. Акциядорлик жамияти (кейинчалик АЖ) хўжалик судига мурожаат этиб, ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тузилган бинони ижарага олиш тўғрисидаги шартномани бекор қилишни сўраган. Даъвогар ўз талабини жавобгарнинг узоқ муддат давомида ижара тўловларини тўламаганлиги билан асослангандир. Ишни кўриш жараёнида жавобгар ижара тўловларини ижарага берувчига тўлаганлиги учун даъвогар даъво предметини ўзгартириб, ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, ариза билан мурожаат этган. Даъвогар ўз аризасида ижара шартномаси жамият номидан уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган жамият раиси ўринбосари томонидан имзоланганлигини ваъж қилиб келтирган.

*Акциядорлик жамияти даъвонинг предметини ўзгартириш ҳуқуқига эгами? Суд бундай ҳолларда қандай ҳаракат қилиши керак?*

3. “Дил Афроз” АЖнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларга 2014 йил 1 чораги учун дивиденд тўламасдан, олинган соф фойдани корхонанинг захира фондига ажратишни таклиф этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ акциядорлик жамияти умумий йиғилиши жамиятнинг соф фойдасининг 20% миқдорида дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бунинг оқибатида кузатув кенгаши ва умумий йиғилиш ўртасида низо келиб чиқди.

*Вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ҳуқуқий ҳал этиш тартибини ёритинг.*

**7-амалий машғулот: Тадбиркорлик субъектлар фаолияти устидан давлат назорати. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органлар ваколатларини аниқ билиш ва бир-биридан фарқлаш малакасини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуйидаги жадвалда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органлар номи келтирилган бўлиб, номи тагига уларнинг ваколатлари ёзилиши керак.

**Ишни бажариш учун намуна**

<b>Адлия органлари</b>	<b>Адвокатура</b>	<b>Суд</b>
Шарномавий муносабатларда тадбиркорлик субъектини қўллаб-қувватлайди		

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-казус

Андижон вилоятида жойлашган “Танхо” МЧЖ Бухоро вилоятида ўзининг шўъба корхонасини ташкил этиш мақсадида Бухоро вилоят Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш “бир дарча” маркази мурожаат қилди.

Бироқ рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу юридик шахсни шўъба корхона сифатида давлат рўйхатдан ўтказиб бўлмаслигини важ қилиб, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди. Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги “бир дарча” марказ ўзининг ёзма жавобида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “шўъба корхонаси” белгиланмаганлигини, балки юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида “шўъба хўжалик жамияти” назарда тутилганлигини таъкидлаб шу орқали жавобни асослантиришга ҳаракат қилди.

Марказнинг мазкур жавобидан норози бўлиб, “Танхо” МЧЖ давлат рўйхатига олишни рад этганлик устидан Бухоро вилоят хўжалик судига шикоят қилиб, ўз аризасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги нормани асос сифатида келтирди.

*Ушбу ҳолат юзасидан ўзингизни фикрларингизни қонун ҳужжатлари асосида асослантиринг?*

### 2-казус

Хива шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ўз фаолиятини кўшма корхона сифатида бошлаш учун Янги Зелландия инвесторлар билан ҳамкорликда устав фондини шакллантириб таъсис шартномаси имзоланди.

Ушбу кўшма корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун Хоразм вилояти адлия бошқармасига ариза топширилди ва қуйидаги ҳужжатлар илова этилди:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг (устав фонди ва таъсис шартномаси) икки асл нусхаси;

500 АҚШ доллари миқдорида давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль;

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари;

таъсисчиларнинг, жумладан Латвиялик шахсларнинг паспортлари нусхалари.

Бироқ, Хоразм вилояти адлия бошқармаси давлат рўйхатидан ўтиш учун тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар борлиги, ҳамда ушбу қўшма корхона Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиши кераклигини кўрсатиб рад жавобини берди.

Ушбу ҳолат юзасидан қўшма корхона сизнинг юридик хизмат фирмангизнинг веб саҳифаси [www.abl.uz](http://www.abl.uz) га юридик ёрдам сўраб мурожаат қилди.

*Юридик фирма ходими сифатида сиз қўшма корхонага ушбу масала бўйича қандай норматив ҳуқуқий ҳужжатларга таянишини ва масалани қандай тартибда ҳал этишни маслаҳат берасиз?*

### **3-казус**

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси томонидан Пастдарғом туман Давлат санитария эпидемиология назорати марказида тадбиркорликка оид амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилган. Ўрганиш жараёнида Пастдарғом туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази коммунал гигиена бўлими ходимлари томонидан “Жўрабек” буюм бозори ҳудудида сомса сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ЯТТ Э.Эргашевнинг фаолияти текширилган. Текшириш натижасида 2009 йил 2 декабрда туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачининг қарори қабул қилинган. Унга кўра, ЯТТ хусусий сомсахонасининг иш фаолияти доимий муддатга тўхтатиб қўйилган.

*Мазкур ҳолатда СЭС маркази бош врач қарори асослими, қонун ҳужжатлари асосида изоҳланг.*

*Якка тартибдаги тадбиркор Э.Ғуломовнинг манфаатини ҳимоя қилиш усуллари ва тартибини тушунтиринг.*

### **4-казус**

Акциядорлик жамияти хўжалик судига мурожат этиб, ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тузилган бинони ижарага олиш тўғрисидаги шартномани бекор қилишни сўраган. Даъвогар ўз талабини жавобгарнинг узоқ муддат давомида ижара тўловларини тўламаганлиги



билан асослантирган. Ишни кўриш жараёнида жавобгар ижара тўловларини ижарага берувчига тўлаганлиги учун даъвогар даъво предметини ўзгартириб, ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, ариза билан мурожаат этган. Даъвогар ўз аризасида ижара шартномаси жамият номидан уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган жамият раиси ўринбосари томонидан имзоланганлигини важ қилиб келтирган.

*Акциядорлик жамияти даъвонинг предметини ўзгартириш ҳуқуқига эгами? Суд бундай ҳолларда қандай ҳаракат қилиши керак?*

*Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи фанининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан алоқадорлигини тушунтириш, тадбиркорлик ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи ўзаро нисбатини изоҳланг.*

### **5-казус**

Фуқаро Ботиров катта ҳажмларда мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланишни режалаштирмоқда.

Юридик шахснинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаган маъқул ёки ушбу фаолият тури билан якка тартибдаги тадбиркор сифатида шуғулланган яхшироқми?

Агар ушбу фаолият тури билан якка тартибдаги тадбиркор шуғулланса, у бошқа шахсларни ишга жалб этиши мумкинми? Мазкур фаолият тури учун лицензия керакми?

*Ушбу вазиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида таҳлил қилиб, масаланинг ечимини топинг.*

### **6-казус**

Фуқаро Хамидов солиқ органларида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб 1 йил олдин нафақага чиқди. Энди у мустақил равишда жисмоний шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйди ва ўзининг тадбиркорлик фаолиятини қандай ташкилий ҳуқуқий шаклда ва қай тартибда амалга ошириш мумкинлиги ҳақида сиздан ҳуқуқий ёрдам сўради.

*Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фуқаро Хамидовнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сиз қандай ҳуқуқий маслаҳат берасиз?*

### **7-казус**

Алижон, Валижон ва Ғанижон биргалашиб юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилишди. Алижон

масъулияти чекланган жамият сифатида, Валижон коммандит ширкат сифатида, Ғанижон эса акциядорлик жамияти сифатида юридик шахс ташкил этишни таклиф қилди. Улар ушбу масалада сизнинг консалтинг фирмангизга мурожаат қилиб энг оптимал вариантни танлаб уларга ҳуқуқий ёрдам беришингизни сўрашди.

*Консалтинг фирма ходими сифатида ушбу масалага ойдинлик киритинг ва уларнинг бир қарорга келишига ҳуқуқий маслаҳатларингиз орқали ёрдам беринг.*

#### **8-казус**

1. “ТОРЕС” МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий қилинди. “ТОРЕС” МЧЖга нисбатан банкротлик иши кўзғатилгандан кейин кузатув даврида “ТОРЕС” МЧЖ ва “Story biznes” ҚМЖ ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилиб, унга кўра “ТОРЕС” МЧЖ сотиб олувчи, “Story biznes” ҚМЖ маҳсулот етказиб берувчи ҳисобланар эди.

“ТОРЕС” МЧЖда “Story biznes” ҚМЖ билан ҳисоб-кистоб қилиш учун етарлича пул маблағлари йўқлиги сабабли, “Story biznes” ҚМЖ олдида қарздорлик пайдо бўлди.

Шунга асосан, “Story biznes” ҚМЖ “ТОРЕС” МЧЖнинг ташқи бошқарувчига шикоят хати билан мурожаат қилиб, ушбу қарздорликни бартарф қилишни сўради. “ТОРЕС” МЧЖнинг ташқи бошқарувчиси ушбу шикоятни рад қилиб, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга асосан ташқи бошқарув жорий қилинган, мораторий амалга оширилишини билдирди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **9-казус**

2. “Горизонт” МЧЖга нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий қилинди. Ташқи бошқарув даврида “МЕГА” ХК “Горизонт” МЧЖнинг ташқи бошқарувчисига мурожаат қилиб, унда маҳсулот етказиб бериш шартномасига асосан пайдо бўлган 100 000 000 сўмлик кредиторлик қарзини кредиторлар талаблари реестрига киритишни сўради.

Ташқи бошқарувчи “МЕГА” ХКнинг мурожаатини кўриб чиқиб, “МЕГА” ХКга фақат 70 000 000 сўм миқдоридаги қарздорлик мавжудлиги тўғрисида хабарнома юборди.

Ушбу хабарнома юборилгандан кейин икки ой ўтгач, “МЕГА” ХК бундан норози бўлиб, хўжалик судига мурожаат қилди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **10-казус**

«Forward» МЧЖ ва “555” ЯТТ билан пластик идишлар етказиб бериш бўйича шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартномага биноан, «Forward» МЧЖ мазкур пластик идишларни улар келишилган нархда ва тегишли сифатда етказиб бериш мажбуриятини олган. Орадан анча вақт ўтганлиги сабабли “555” ЯТТ «Forward» МЧЖ пластик идишларни ўз вақтида етказиб бермаётганлигини айтиб ўтиб, ундан шартнома шартларини зудлик билан бажаришни талаб қила бошлади. Бунга жавобан эса, «Forward» МЧЖ шартнома шартида товарни етказиб беришни муддати келтириб ўтилмаганлигини айтиб, пластик идишларни ўзи режалаштирган 1.000.000 тага етказиб, уларни ойнинг охиригача етказиб беришини айтиб ўтди. “555” ЯТТ бунга жавобан ушбу ҳолатда товарларни қабул қила олмаслигини ва шартномани бир томонлама бекор қилишини айтиб ўтди. Ушбу вазиятда «Forward» МЧЖ адвокатга мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат беришини сўраб мурожаат этди.

*Ушбу ҳолатда адвокат сифатида «Forward» МЧЖ га қандай ҳуқуқий маслаҳат бериш мумкин.*

*Муаммоли ҳолатга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фойдаланган ҳолда ўз ечимингизни таклиф қилинг.*

*Ўзбекистон Республикасининг суд ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ўз фикрларинингизни асосланг.*

### **11-казус**

«Норе» фермер хўжалиги ва «Гигант» МЧЖ ўртасида қишлоқ хўжалиги моддий техниккаси етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. «Гигант» МЧЖ ойнинг охиригача 100.000 та техник қурулмаларини етказиб берди ва қолган 25.000 тасини кейинги ойда етказиб беришини айтиб ўтди. «Норе» фермер хўжалиги эса шартнома шартида шу ойнинг ўзидаёқ етказиб берилиши белгиланганлигини важ қилиб, ойнинг охиригача қолган 25.000 тани ҳам етказиб беришни талаб қилди. Бу ҳолатда «Гигант» МЧЖ эса товарларни унинг молиявий қудрати бунга йўл қўймаслигини шу сабабли қолган 25.000 тани етказиб бера олмаслигини айтиб, агар хоҳласа умуман етказиб бермаслигини ҳам, бунга вилоят ҳокимининг қистови (талаби) билан ушбу 25.000 та техник қурилмаларни етказиб бераётганлигини келтириб ўтди. Мазкур ҳолатда «Норе» фермер хўжалиги буни унга даҳли йўқлигини, шартномага

киритилган ўзаро келишилган ўзгартиришга кўра қолган 25.000 тани етказиб бериш лозимлигини келтириб ўтди.

*Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **12-казус**

ЯТТ “Болажон” ва “Кнауф” фирмаси ўртасида мебель жиҳозларини етказиб бериш билан боғлиқ шартномаси имзоладилар. Келтириб ўтилган сифат ва ассортиментда, шартномада кўрсатиб ўтилган муддатда жиҳозлар етказиб берилди. Лекин “Кнауф” фирмаси етказиб берилган мебел жиҳозларини ЯТТ “Болажон” талаб қилган сифатидаги эмас, балки “УМИДХОН” ЯТТ га етказиб бериш керак бўлган сифатдагисини етказиб берганлигини таъкидлаб ўтди ва зудлик билан мебельларни қайтариб беришларини талаб қилди. Лекин ЯТТ “Болажон” ушбу жиҳозларни аллақачон ўрнатишганларини ва буни қайтариб бермаслигини айтди. Ушбу ҳолатда “Кнауф” фирмаси адвокатга мурожаат этиб мазкур шартнома юзасидан ҳуқуқий маслаҳат беришини сўради.

*Ушбу ҳолатга адвокат сифатида қандай ҳуқуқий ечим таклиф эта олсиз.*

*Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида ҳуқуқий ечим беринг.*

### **13-казус**

Чет эл фирмаси “Консулт” маъсулияти чекланган жамият билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ МЧЖ ҳар кварталда фирмага Тошкент бозорида қимматбаҳо тошлар маркетинги бўйича ахборот етказиб бериши керак эди. Ахборот электрон элтувчи – электрон почтадан факс модею алоқаси орқали юборилиши керак эди. Шу муносабат билан чет эл фирмасидан МЧЖ ҳисобига маблағ келиб тушганида солиқ инспекцияси тузилган шартноманинг ҳуқуқий табиати тўғрисида масалани кўтариб чиқди. Солиқ инспекцияси фикрича ушбу ҳолатда МЧЖ хизматлари учун мукофатланган, лекин МЧЖ фикрича улар фирма билан пудрат шартномаси тузишган. Бу масала бўйича солиқ инспекцияси тушунтириш бериш учун юристга мурожаат қилди.

Ушбу ҳолда қандай тушунтириш бериш керак? Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан, пудрат шартномасининг фарқи нима?

### **14-казус**

Микрокредит ташкилоти сифатида фаолият юритиш мақсадини кўзлаган Тоиров ва Тошов МЧЖ ташкил этишиб, устав капиталини энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида шакллантиришга келишдилар ҳамда мазкур сумманинг 30 фоизини рўйхатдан ўтиш пайтида дарҳол, қолган қисмини эса бир йил мобайнида шакллантиришга қарор қилдилар. Аммо рўйхатдан ўтказувчи устак капиталига қўйилган тингловчи бажарилмаганини важ қилиб, мазкур МЧЖни рўйхатдан ўтказишдаан бош тортди. Ушбу ҳолатда рўйхатдан ўтказувчи органнинг талабларига қонуний баҳо беринг.

*Мазкур қазусга жавоб ёзишда турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **15-казус**

“Рушана” МЧЖ га учинчи шахс сифатида қабул қилинаётган Қаххоров ўз ҳиссасини пулсиз шаклда киритишини маълум қилди. “Рушана” МЧЖ нинг умумий йиғилишида 4 та иштирокчидан учтаси Қахооровнинг пулсиз ҳиссасининг пул баҳоси 6 ярим имллион қилиб белгиланишига рози бўлди. Бир киши эса қарши чиқди. “Рушана” МЧЖ юрисконсулти бу вазиятда Қахооровнинг пулсиз ҳиссасини пул баҳосини белгилаш баҳсли эканини билдирди.

*Қонунчиликдан келиб чиқиб вазиятга баҳо беринг. Мазкур қазусга жавоб ёзишда турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **16-казус**

“Ирода” МЧЖнинг уставида жамият устав капиталини кўпайтириш учун жамият иштирокчиларининг барчасининг розилиги талаб қилиниши белгилаб қўйилди. Икки ой ўтгач “Ирода” МЧЖ устав капиталини кўпайтириш мақсадида умумий йиғилиш чақирди. Йиғилишда иштирокчиларнинг учдан икки қисми устав капиталини кўпайтириш ҳақидаги қарорга розилик билдирди. Аммо жаият ижро органи раҳбари ва юрисконсулт ўртасида мазкур қарорнинг тўғрилиги борасидабаҳс юзага келди. Юрисконсулт мазкур қарор асосида жамият устав капиталини кўпайтириш мумкин, чунки қонунчиликда шундай тартиб бор деса, ижро органи раҳбари жамият уставига кўра барча бир овоздан маъқуллагандан кейин гина буни амалга ошириш мумкинлигини таъкилдлади. Юрисконсулт эса ўз фикрини корпоратив нормалардан кўра

қонунчиликнинг устунлиги ҳақидаги ваз билан тўғри эканлигига қатъий ишонмоқда.

*Вазиятни ҳуқуқ нормалар асосида ҳал этинг. Мазкур казусга жавоб ёзишда турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **17-казус**

Каримов А. томонидан ягона таъсисчи кўринишидаги “ФАЙЗ” МЧЖ ташкил этилди. Олти ой муддат ўтганидан сўнг жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида янги икки нафар иштирокчи жамиятга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтгач жамиятнинг таъсисчиси бўлган Каримов А. жамиятдан чиқиб кетмоқчи эканлигини маълум қилди.

*Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.*

### **18-казус**

“ТУЛПОР” МЧЖ ўзининг устав фондини кўпайтириш мақсадида ҳуқуқий маслаҳат сўраб ҳуқуқшуносга мурожаат қилди. Ҳуқуқшунос ушбу вазиятда жамият аъзоларига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш учун жамиятга янги иштирокчиларни қабул қилиш керак эканлигини таъкидлаб, бошқа йўللар орқали кўпайтириш мумкин эмаслигини айтиб ўтди.

*Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.*

### **19-казус**

“БАХТ” ҚМЖнинг ташкил қилган 3 нафар иштирокчилардан бири иккинчи иштирокчининг қўшган улушларини сотиб олди ва учинчи улушчига хабар бермаган ҳолда жамиятнинг фаолият турига қўшимча киритиш ва бошқа жамият билан йирик битим тузишини айтди. Жамиятнинг учинчи улушчиси бунга нисбатан норозилигини билдирди ва судга мурожаат қилди.

*Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.*

### **20-казус**

“ДИЁР” МЧЖнинг мол-мулки қиймати 100 млн. сўмни ташкил қилади. Жамиятнинг ўтган йиллик активи 40 млн. сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг Бошқарув органи 2016-йил “ЛИОН” АЖ билан 2та бир-бирини тўлдирувчи битим тузди. Биринчи битимнинг қиймати 40 млн сўмни , иккинчи битим 10. млн сумни ташкил қилди.

*Ушбу битимларнинг тузилиши қонунийми? Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.*

### **21-казус**

“ТУРОН” МЧЖ Бош дериктори Алиев М.“КАМОЛ” АЖ билан 500 миллион сўмлик олди-сотди шартномасини тузади. Орадан бир оз вақт ўтгач бу шартномадан “ТУРОН” МЧЖнинг иштирокчилари умумий йиғилиши бундан хабар топиб, ушбу олди-сотди шартномасини тан олмади.

*Ушбу шартноманинг тузилиши қонунийми? Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.*

### **22-казус**

“Flyhigh” акциядорлик жамияти 2015 йил маълум бир сабабларга кўра тугатилди. Тугатилиш жараёнида жамиятнинг мол-мулки акциядорлар ўртасида тақсимланди. Қонунда берилган тақсимланиш навбатларига риоя қилинди. Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет-эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини жамият тегишли тартибда миллий валютада айирбошлаб берди. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритиб, жамиятни тугатиш тамомланганлигини ҳамда жамият фаолиятини тугатганлигини маълум қилган. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, тугатиш жараёнида қонунбузарлик содир этилган экан.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **23-казус**

2015 йил 23 феврал куни «Mining Investment group» хорижий фирманинг ваколатхонасида солиқ органи солиқларнинг ҳисобланиши ва тўлаб борилишининг тўғрилиги юзасидан текширув ўтказди ва даромад солиғи бўйича солиқ миқдорига қўшимча суммани кўшиб ҳисоблаб, уни низосиз ундириб олиниши бўйича қарор чиқаради. Ваколатхона Фарғона

вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, уни ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб этади. Ваколатхона ўз талабларида мустақил солиқ тўловчи эканлигини, солиқ органида рўйхатдан ўтказилганлигини кўрсатади. Солиқ органи солиқ суммаларини қонунчиликни бузган ҳолда ҳисоблаб чиқарган ва натижада ноҳақ равишда қўшимча суммани ҳисоблаб ёзган. Ваколатхонанинг солиқ тўловчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилганлиги сабабли, у ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этишга ҳақли деб ҳисоблади. Суд даъвони қабул қилиб оладию, аммо кейинчалик ажрим асосида ишни тўхтатиб қўяди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **24-казус**

Фуқаро А.Ахмадов “Paris” АЖнинг акциядори ҳисобланади ҳамда унинг акциядорлик жамиятидаги акцияларининг улуши 14 %ни ташкил этади. Маълум вақтдан сўнг эса ҳудди шу жамиятга А.Ахмадовнинг ўғай укаси ҳисобланган З.Ахмадов ҳам акциядор сифатида қўшилмоқда. Унинг жамиятдаги акцияларининг улуши 10% ташкил этади. Улар бу ҳақда АЖга хабар қилмаганлар. Кейинчалик бу нарса маълум бўлиб, улар аффилиланган шахс эканликлари, бу ҳақда АЖга хабар бермаганликлари ва бу сабабли жамиятга зарар етганлиги ҳамда улар ўзлари етказган зарар миқдорида жавобгар эканликлари маълум қилинди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **25-казус**

“ОқЙўл” акциядорлик жамиятининг директори АЖнинг ички тузилишидаги Саноқ комиссияси аъзоларидаги айрим масъул шахсларнинг узрли сабабларга кўра қатнаша олмаслиги сабабли, унинг ўзи мазкур комиссия аъзоси сифтида қатнашди. Бу ҳолатга жамиятнинг бошқа айрим аъзолари эътироз билдирди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **26-казус**



Акциядорлик жамияти акциядори А.Авазов ўз акцияларини чет эллик дўстига сотмоқчи бўлди. Лекин, акциядорлик жамияти раҳбари бунга қонун талабларига зид эканлигини, уни имтиёзли акция эгаси эканлигини маълум қилиб, фақат амалдаги аъзолардан бирига сотиш мумкинлигини билдирди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **27-казус**

“Дархон” масъулияти чекланган жамиятига аъзо бўлиб тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида Молия вазирлигида ишлаётган Ф.Санақулов МЧЖнинг устав фондига ўз улушини қўшиш учун МЧЖга ариза билан мурожаат қилди. Аммо жавоб хатида МЧЖ иштирокчилари сони максимал даражада эканлиги ва бирорта ҳам иштирокчини қабул қилолмаслиги ҳақидаги ваъжлар келтирилганди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **28-казус**

Фуқаро Раҳимов В. асосан импорт фаолияти билан шуғулланувчи “Мустанг” АЖ акцияларининг маълум миқдорини сотиб олди. Орадан бир йил ўтиб ўзига тегишли акцияларни сотишга қарор қилди ва акциялар учун янги харидор топди. Аммо жамият бундан хабар топиб акциялар фақат жамият аъзоларига сотилиш кераклигини, бошқа шахс жамият акциясига эга бўла олмаслигини, билдирди.

Раҳимов В. эса “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида”ги қонунга зидлигини важ қилиб кўрсатди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **29-казус**

Фуқаро Шарипов АЖ ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги “ягона дарча” марказига мурожаат қилди. Марказдагилар унинг яқка ўзи АЖ ташкил эта олмаслигини, бундан ташқари АЖ ташкил этмоқчи бўлса АЖнинг устав фондининг 15%ини чет эл сармоysi ташкил қилиши лозимлигини таъкидлашди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **30-казус**

2015 йилда бир неча шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида “Мақсад” МЧЖни ташкил қилишди. Орадан бир йил ўтиб иқтисодий қийинчиликлар туфайли жамият активлари камайиб кетди, натижада аъзолар жамият устав фондини камайтириш тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилишди. Аммо, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият устав фонди миқдорини камайтиришга йўл қўйилмаслигини билдирди. Жамият аъзолари юридик ёрдам олиш мақсадида сизга мурожаат қилди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **31-казус**

2010 йилда “Уголок” умумий овқатланиш корхонаси давлат тасарруфидан чиқарилди ва холдинг сифатида ташкил этилди. Аммо корхона аъзолари ҳуқуқшуносга мурожаат қилишди ва холдинг сифатида ташкил этиши ноқонуний ўтказилганлиги, яъни меҳнат жамоаси аъзоларининг розилиги олинмаганлигини ва шу сабабдан улар юрилик ёрдам олиш учун сизга мурожаат қилишди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **32-казус**

“Авторитет” АЖ 2013 йилда тузилган бўлиб, 2015 йил жамият активлари орта бошлади. Натижада Вазирлар Маҳкамаси жамиятнинг стратегик аҳамиятини инобатга олиб жамиятга нисбатан “Олтин акция” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жамият аъзолари эса бу қарорни жамият фаолиятига аралашин деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **33-казус**

“LOGITECH” МЧЖнинг ижро этувчи органи навбатдаги умумий йиғилишни чақирди. Мазкур йиғилиш молия йили тугагандан кейин еттинчи ойда ўтказилди. Йиғилиш “LOGITECH” МЧЖнинг йиллик ҳисоботи юзасидан чақирилган. Йиғилишга жамият иштирокчиси М.Собиров номидан унинг вакили С.Аҳмадов иштирок этди. Лекин ҳисобот чоғида вакил С.Аҳмадов йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни тақдим этмаган. Йиғилиш унинг иштирокини асоссиз деб топди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **34-казус**

Жамиятнинг умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин. “ICECOOL” МЧЖ жамиятнинг умумий йиғилиши қарори билан бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилди. Жамият кредиторлари Сафаров ва Мелиевлар ушбу ҳолатда моддий зарар кўришди ва улар кўрган зарарларни ўрнини қопланишини ёзма равишда талаб қилиб чиқишди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

### **35-казус**

“КАРОМАТ” АЖ жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш билан боғлиқ масалани жамиятнинг бошқарув органи томонидан ҳал қилинди. Аммо жамият аъзолари эътироз билдириб ушбу масалани жамиятга умумий раҳбарликни амалга оширадиган кузатув кенгаши амалга ошириши кераклигини билдиришди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш?

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<i>Мулк ҳуқуқи</i> <b>(Right of ownership)</b>	Бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёни.	The right of ownership is the right to possess property, to use and to dispose property.
<i>Эгалик қилиш ҳуқуқи</i> <b>(The right of possession)</b>	Эгалик қилиш мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирор жойда сақлаб туриши.	The right of possession means that someone currently holds something in hand and this person may be the temporary keeper or the long-term owner of an object.
<i>Битим</i> <b>(Transaction)</b>	Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларир.	Transactions are actions of citizens and legal entities directed at the establishment, change, or termination of civil rights and duties.

<p><i>Лизинг шартномаси</i> <b>(Leasing contract)</b></p>	<p>Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.</p>	<p>Under a contract of leasing one party, the leaseholder (the lessor) on instructions from another party, the lease recipient (the lessee), shall have the duty to enter into agreement with a third party with a seller for acquiring property from the latter for the lessee, and the lessee shall have the duty to pay for it to the lessor for leasing payment.</p>
<p><i>Шартнома</i> <b>(A contract)</b></p>	<p>икки ёки бир неча шахсинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.</p>	<p>A contract is an agreement of two or several persons on establishing, changing, or terminating civil rights and duties.</p>
<p><i>Масъулияти чекланган жамият</i> <b>(Limited liability company)</b></p>	<p>бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.</p>	<p>is where a person's financial liability is limited to a fixed sum, most commonly the value of a person's investment in a company or partnership</p>
<p><i>Тижоратчи бўлмаган ташкилот</i> <b>(Non profit organization)</b></p>	<p>фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот юридик шахс.</p>	<p>is an organization whose purposes are other than making a profit.</p>

<p><i>Тижоратчи ташилот</i> <b>(Business entity)</b></p>	<p>фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юримдик шахс.</p>	<p>is an organization whose the purpose is making a profit.</p>
<p><i>Якка тартибдаги тадбиркорлик</i> <b>(Sole proprietorship)</b></p>	<p>жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юримдик шахс ташилот этмаган ҳолда амалга ошириш.</p>	<p>is a type of business entity that is owned and run by one natural person and in which there is no legal distinction between the owner and the business.</p>
<p><i>Банкротлик</i> <b>(Bankruptcy)</b></p>	<p>қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги.</p>	<p>is a legal status of a person or other entity that cannot repay the debts it owes to creditors</p>
<p><i>Акциядорлик жамияти</i> <b>(Joint-stock company)</b></p>	<p>устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташилот.</p>	<p>is a business entity where different stocks can be bought and owned by shareholders</p>
<p><i>Умумий йиғилиш</i> <b>(General meeting)</b></p>	<p>жамиятнинг юқори бошқарув органи бўлиб, акциядорлардан иборат бўлади.</p>	<p>is a meeting of the shareholders of the joint-stock company.</p>
<p><i>Акция</i> <b>(Share)</b></p>	<p>Эгасига акциядорлик жамияти фойдасидан дивидент олиш ва уни бошқариш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.</p>	<p>A share is an indivisible unit of capital, expressing the ownership relationship between the company and the shareholder.</p>

<p><i>Директор</i> <b>(CEO)</b></p>	<p>Ижро органига раҳбарлик қилади. Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.</p>	<p>A chief executive officer CEO in American English or managing director (MD) in British English describes the position of the most senior corporate officer, executive, or administrator in charge of managing an organization.</p>
<p><i>Мустақил директор</i> <b>(Independent director)</b></p>	<p>Жамият билан иқтисодий манфаатлар билан боғланмаган кузатув кенгаши аъзоси.</p>	<p>also sometimes known as an outside director is a director (member) of a board of directors who does not have a material or pecuniary relationship with company or related persons, except sitting fees.</p>
<p><i>Олтин акция</i> <b>(Golden share)</b></p>	<p>қийматга эга бўлмайдиган, бошқа шахсга ўтказилмайдиган, гаровга берилмайдиган, устав фонд миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайдиган акция. У давлатнинг махсус ҳуқуқи ҳисобланади.</p>	<p>is a nominal share which is able to outvote all other shares in certain specified circumstances, often held by a government organization, in a government company undergoing the process of privatization and transformation into a stock-company.</p>
<p><i>Кузатув кенгаши</i> <b>(Board of directors)</b></p>	<p>Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи акциядорлар томонидан сайланадиган корпоратив бошқарув органи.</p>	<p>is a body of elected or appointed members who jointly oversee the activities of company or organization.</p>
<p><i>Акцепт</i> <b>(Acceptance)</b></p>	<p>Офертага шартсиз келишув. Бу шартномани яратади. Қабул қилинишидан аввал, ҳар қандай оферта қайтариб олиниши мумкин. Аммо, қабул қилиндими, томонлар учун мажбурийдир.</p>	<p>The unconditional agreement to an <b>offer</b>. This creates the contract. Before acceptance, any offer can be withdrawn, but once accepted the contract is binding on both sides.</p>

<p><i>Шартнома шартларини бузиш (Breach of contract)</i></p>	<p>Бир томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни бажармаслиги. Шартнома шартларини бузиш бутун шартнома ҳақиқий эмас деб топишга олиб келади. Бузган тараф жавобгар бўлади.</p>	<p>Failure by one party to a contract to uphold their part of the deal. A breach of contract will make the whole contract void and can lead to damages being awarded against the party which is in breach.</p>
<p><i>Кафолат (Guarantee)</i></p>	<p>Иккиламчи келишув кайсики бир одам бўйнига олади бошқа одам (қарздор)нинг қарзларини тўлашни, агарда қарздор тўлай олмаган тақдирда. Банклар ва бошқа кредиторлар кўпинча кичик компаниялар директорларини чақиради, қарзлар учун шахсий гарантия олиш мақсадида. Гарантия ёзма бўлиши керак.</p>	<p>A secondary agreement by which one person promises to honour the debt of another if that debtor fails to pay. Banks and other creditors often call on directors of small companies to give their personal guarantees for company debts. A guarantee must be in writing.</p>
<p><i>Оферта (Offer)</i></p>	<p>Оферта ҳуқуқий алоқа ўрнатиш мақсадида юборилади. У қабул қилса бўладиган даражада бўлиши керак (бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатларсиз). Тўлиқ бўлиши керак (Кўшимча маълумотлар талаб қилмайдиган). Реклама тарзида бўлмаслиги керак.</p>	<p>An offer to contract must be made with the intention to create, if accepted, a legal relationship. It must be capable of being accepted (not containing any impossible conditions), must also be complete (not requiring more information to define the offer) and not merely advertising.</p>
<p><i>Кафолатлар (Warranties)</i></p>	<p>Шартномада қилинган ваъдалар. Аммо булар шартнома шартларидан кичикрок. Кафолатларни бажармаслик етказилган зарарни қоплаш керак дегани, аммо бу шартнома шартларини бузиш га тенг эмас.</p>	<p>Promises made in a contract, but which are less than a <b>condition</b>. Failure of a warranty results in liability to pay damages, but will not be a <b>breach of contract</b> unlike failure of a condition, which does breach the contract.</p>



## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. - 366 б.
2. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 280 б.
3. Каримов. И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. - 264 б.
4. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.
7. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.-302 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №ЎРҚ-328, 02.05.2012 //Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. 2015 йил 6 декабрь.

7. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисосидан олдинга юришдир” мавзусидаги маърузаси. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

### **Махсус адабиётлар:**

1. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 760 p

2. Essential Contract Law, Cavendish Essential series, Geoff Monahan, Second edition, London. 2001. P.254.

3. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хаитбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.

4. Занковский С.С. Предпринимательские договоры/Отв. ред. В.В. Лаптев. -"Волтерс Клувер", 2004 г. -304 с.

5. K. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992

6. Қодиров К. Хўжалик шарномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти.-Т.: “Янги аср авлоди”-2003. – 691 б.

7. Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Окюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 206 с.

8. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.

9. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.

10.Хозяйственное предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.

11.Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида - Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

12.Юридик хизмат ва шартнома муносабатларини тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами / Р.А. Муҳитдиновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2009. -400 б.

### **Интернет ресурслари:**

1. <http://www.Gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.edu.uz>
4. <http://www.Norma.uz>